Н. Г. ЗАГЛАДА:

...Бизнинг давримизда меҳнат қилмасдан, виждонан-ҳалол ишламасдан яшаш мумкин эмаслигини, партиямиз планлаштирган суръатларга эришиш мумкин эмаслигини эндиликда ҳамма ҳис қилиши, фикр юритиши керак

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 176 (2209). | 4 сентябрь, сешанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Суратда: Қизил карвон йўлда. А. Абалян фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Н. Г. ЗАГЛАДАНИНГ „Ғаллакорлик шарафини қадрланг!“ деган мақоласи тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Житомир области, Черняховский районидаги «1 Май» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Г. Заглада ўзининг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг!» мақоласида республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари учун, уларнинг қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш, пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни янада кўпайтириш учун, колхоз ва совхозларнинг мавжуд резервлари ва имкониятларидан тўла фойдаланиш учун курашларида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим масалаларни кўтариб чиққанлигини қайд қилади.

Ўртоқ Н. Г. Загладанинг мақоласи совхоз ишчиларини, колхозчиларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларини меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида доимий тарбиялаш, колхоз ва совхозларнинг бошқармалардаги партия ташкилотчиларига, район партия комитетларига, область партия комитетларининг территориал ишлаб чиқариш бошқармалардаги партия ташкилотчиларига колхоз ва совхозларда партия йиғилишлари, бригадаларда, бўлимларда, фермаларда, дала шийпонларда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг йиғилишларини ўтказиб, бу йиғилишларда ўртоқ Н. Г. Заглада мақоласида илгари сурилган масалаларни муҳокама қилишни топширди.

Йиғилишлар республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини давлат планларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга, бу йил Ватанга камида 3 миллион 350 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини янада юксалтириш йўлида колхоз ва совхозларнинг резервлари ва имкониятларини қидириб топиш ва тўла ишга солиш учун курашга сафарбар этиш шнори остида ўтказилди.

Йиғилишларда область ва район партия активи, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Н. Г. Заглада мақоласини муҳокама этиш пахта йиғим-терими компаниясида колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнат активлигини кўтаришга, пахта теримида меҳнат унумдорлигини оширишга, барча хўжаликларда мўл ҳосил олинишини таъминлайдиган қўшимча тадбирларни амалга оширишга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область партия комитетларининг территориал ишлаб чиқариш бошқармалардаги партия ташкилотчиларига, район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш, уларни меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида доимий тарбиялаб бориш, колхоз, совхоз ишлаб чиқаришни илғорларининг самарали ишларини кенг оммалаштириш ва уларнинг тажрибаси асосида барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини ўқитиш вазифаларини топширди.

Оммани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги камчиликларга қарши, дангасалар ва текинхўрларга, меҳнат интизомини бузувчиларга, брак иш қилувчиларга, кўзбўямачиларга қарши қатъий курашга отлантириш, эгасизликни тугатиш ва топширилган иш учун колхоз, совхоз раҳбар ходимларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг масъулиятини ошириш, уларда ижодий ташаббускорликни ривожлантириш — партия ташкилотларининг бурчидир.

Партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг турмушини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишлари, уларнинг эҳтиёжларига сезгирлик билан қарашлари лозим.

Республика, область, районлараро газеталар редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радио эшиттириш ва телевидение Давлат комитетига ўртоқ Н. Г. Загладанинг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг!» мақоласида кўтарилган масалаларни матбуотда ва радио орқали мунтазам ва ҳар томонлама ёритиб бориш, меҳнаткашларнинг бу мақолага жавобларини ва таклифларини кенг ёритиш топширилди.

ХИРМОН МУБОРАК!

РЕПОРТАЖ

Бўкага кетаётиб, кенг асфальт йўлда катта пахта карвонини учратдик. Карвон район маркази томон борарди. Лиммо-лим «оқ олтин» юкланган, лоларанг алвонлар билан безатилган машиналар колоннасининг охирини кўз илғамайди. Қизил байроқларни дадил ушлаб бораётган йигит-қизлар ашула айтишар, карнай, сурнай ғижжак, танбур, чилдирма чалишар, бир-бирларига ҳазиллашишарди. Машиналарга, автоприцепларга ўйиб ортилган оппоқ момиқлар ботаётган қуёшнинг заррин нурларида ажиб товланади. Ҳа, бу — етти йиллик тўртинчи йилининг «оқ олтини»!

Пахта карвони район марказига кириб борганида унга минг-минглаб кўзлар қадалди. Қўлига эркатойини кўтарган онанинг ҳам, ҳиссага таяниб кетаётган нуроний чолнинг ҳам, севишган йигит-қизларнинг ҳам чеҳрасига илиқ табассум югурди. Бир зумда ҳамма ёққа шоду-ҳуррамлик тарқалди. Бу — «оқ олтин»имизнинг шонушуҳрати, куч-қудрати эмасми?!

Қизил карвон райком биноси олдига ўрнатилган минбар яқинига келиб тўхтади. Бу ерда созандалар, раққосалар базм қуришган. Минбарнинг икки томонида пионерлар саф тортишган. Ҳаёл ўтмай ҳаяжонли митинг бошланди.

— Районимиз пахтакорлари! «Оқ олтин» хирмонингиз муборак бўлсин! — деди район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ҳ. Обидов. — Сизлар бу йил табиат инжиқликларини мардона енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдингиз. Олдимизда катта вазифалар турибди. Камида 37,5 минг тонна пахтани териб олиб, давлатга сотишимиз лозим.. Ана рўпарамизда турган катта карвон «оқ олтин»имизнинг дастлабки 100 тоннасини пахта пунктига олиб бораётир. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, азамат пахтакорларимиз йиғим-терим мавсумида ғайратларини бўшаштирмасдан меҳнат қилиб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятни 7 ноябрга қадар албатта бажарадилар.

Машъал пахтакор, Охунбобоев номли колхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова минбарга кўтарилади. Мана, унинг юрақдан айтган сўзлари:

— Деҳқонларимизнинг «оқ олтин» етиштириш иштиёқида далаларда жавлон уриб меҳнат килабошлаганларига мана 8 ой бўлди. Олдимизда турган карвон фидокорона меҳнатимизнинг самарасидир. Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта кўтаришга имкон берадиган ҳосил етиштирдилар. Сизларни ишонтириб айтаманки, пахтакорларимиз эртанги кундан бошлаб йиғим-терим суръатини борган сари жадаллаштирадилар. 15 октябрга қолмасдан элюрт олдида берган ваъдаларига вафо қиладилар.

Районнинг энг йирик хўжаликларидан бири бўлган «Ленин йўли» колхозининг раиси ўртоқ М. Иброҳимов айтдики, пахтакорлар бу йил давлатга камида 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқдалар. Улар ана шу юксак мажбуриятларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги байрам қилинадиган кунгача тўла адо этадилар.

Минбарда «Ленинизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Азаматов. У бундай деди:

— Деҳқон ҳосилни қанча кўп етказмасин, агар у пахтани сира нобуд қилмай, қисқа муддат ичида йиғиб-териб ололмаса, кўпчилик олдида ер чизиб қолади. Бизнинг колхозимиз деҳқонлари буни жуда яхши англашади. Шунинг учун ҳам улар бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилиб, сентябрь ойида йиллик планнинг 51 проценти, октябрь ойида қолган 49 проценти миқдорида пахта тайёрлашга бел боғлашди. Биз 3 минг тонна пахтани қисқа муддатда йиғиб-териб олиш юзасидан «Ленин йўли» колхозининг пахтакорларини социалистик мусобақага чақирамиз.

Ломоносов номидаги 11 йиллик мактабнинг пионери Насиба Исмоилова минбарга кўтарилганида гулдурос қарсаклар янгради.

— Қадрли пахтакор ота-оналар, акалар ва опалар! — деди Насиба ҳаяжон ичида, — сизларни районимизнинг бутун ўқувчилари номидан катта хирмон билан табриклайман. Пахта йиғим-терими даврида биз ҳам далаларга чиқиб, «оқ олтин» терамиз, сизларнинг шарафли ишингизга яқиндан ёрдам берамиз.

Митинг ёпиқ деб эълон қилинганда яна музика садолари янграй кетди. Катта карвон олга қараб силжиди. Лиммо-лим пахта ортилган машиналар ҳали ўтаяпти, ҳали ўтаяпти, қани энди тамом бўлса. Деҳқон учун шу дақиқалардан ҳам қувончли дақиқалар борми?!

«Оқ олтин» карвонларимизнинг кети узилмасин, хирмонимиз баракали бўлсин! — ҳаммаларнинг орзу-истаги шу.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ!

ЎЗБЕК ДЕҲҚОНЛАРИ Н. Г. ЗАГЛАДАГА ЖЎР БЎЛИБ: „ПАХТАКОРЛИК ШАРАФИНИ ҚАДРЛАНГ!“ ДЕМОҚДАЛАР

Надежда Григорьевна Загладанинг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг!» деган мақоласини ўқиб чиқиб, биз бир ҳафтадан буён доно сўзларнинг маъзини чақяпмиз. Мақоланинг ҳар бир сўзи юрақдан чиққан оташин нидодек янграяпти, шу билан бирга унинг ҳар бир сўзи оддий, юрақка бориб етади. Мақолани ўқиганингда унинг ҳар бир фикрига қаноат ҳосил қилиб қўшиласан. Украина тупроғининг кекса ғаллакори онахонимиз юрагимиздаги гапларни топиб айтгани учун биз хоразмликлар, ўзбек деҳқонлари:

—Пахтакорлик шарафини қадрланг! — деб жўр бўлгимиз келади.

Аввало биз қандоқ ютуқларга эришдигу, қайси марраларни эгалладик, шу ҳақда икки оғиз гапириб ўтайлик. Ишимиз яхши десак бўлади. Бунинг исботи учун баъзи мисолларни келтирамиз.

Хоразм воҳасининг меҳнат аҳли бу йил мамлакатга 300 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашяпти. Бултур хоразмликлар давлатга 290 минг тонна «оқ олтин» сотган эдилар. Областда гектар бошига ўрта ҳисобда 29 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 30 центнерга етказилиши керак. Бу катта мажбурият. 1953 йилни эслаб ўтайлик. Партиямиз Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми чақирилгунча биз гектаридан ўрта ҳисобда 19 центнердан ҳосил олардик. Шу вақтдан буён ҳозиргача жуда зўр одим ташладик. 1961 йилда областда гектаридан йигирма центнердан кам ҳосил кўтарган битта ҳам хўжалик қолмади. Бизнинг олдимизда колхозларнинг ҳаммасида гектаридан камида 25 центнердан ҳосил олишдек жуда муҳим вазифа турибди.

БУЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

Янгиариқ районидаги 1940 гектар пахтазори бор Нариманов номли колхоз эришган ютуқларга бир назар солинг. Бултур бу ерда гектаридан 39,6 центнердан ҳосил олинди. Колхознинг йиллик даромади 2,6 миллион сўм бўлди. Наримановчиларнинг ҳамма нарсаси: касалхонаси, туғруқхонаси, болалар боғча ва яслилари ўн бир йиллик мактаби, саккиз йиллик учта мактаби, тўртта бошланғич мактаби бор. 220 та янги уй қурилди, бу уйлар битта онлага мўлжалланган тўрт-беш хоналик. Колхознинг энг яхши кишилари қандай меҳнат қилаётганлигини биласизми! Аҳмад Нурматов бригадаси муттасил равишда гектаридан йилига 50—52 центнердан ҳосил териб ояпти. Матназар Қаландаров ва Ҳожи Саидов ўртоқларнинг бригадаларида ҳам шунчадан ҳосил етиштирилмоқда.

Шовот районидаги Киров номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ободон Дўсова гектар бошига 72 центнердан ҳосил кўтариб, ажойиб натижаларга эришди. Бу йил у 75 центнер ҳосил олишдек улуғ ишга отланган. Шу райондаги «Правда» колхози пахта ҳосилдорлигини бир йилдаёқ гектар бошига 11 центнердан оширди. Гурлан районидаги «Коммунизм», Шовот районидаги «Москва», Хонқа районидаги Охунбобоев номли, Урганч районидаги Карл Маркс номли колхозларга ўхшаш ёрқин машъалларнинг ажойиб муваффақиятлари тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Урганч районидаги Охунбобоев номли ва Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг аъзолари бу йил кузакда гектаридан 37 ва 45 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олдилар.

Бундай ютуқлар қаердан келяпти? Ҳосилга барака қўшилаётганлигининг боиси нима? Бу саволга жавобан ягона бир фикрнигина айтиш мумкин. Биз эришган муваффақиятлар партиямиз қишлоқ хўжалигига қилаётган доно раҳбарлигининг, давлатимиз моддий-техника жиҳатидан кўрсатаётган ёрдамнинг самарасидир. Шу билан бирга бу муваффақиятлар пахтакорлар ўз ишларига виждонан ҳалол қараётганликларининг ҳам самарасидир.

Хоразм воҳаси—қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Бу ерни қадимдан ғуллаган воҳа дейишади. Аммо Хоразм воҳаси совет вақтидагина, колхоз давридагина чинакам гуллаб-яшнади. Эндиликда ҳар бир пахтакор ўзининг меҳнати баракали бўлишидан манфаатдордир, коллектив куч-ғайрат кўрсатиб, меҳнат қилишидан, унинг натижаларидан манфаатдордир. Ҳурматли Надежда Григорьевна Заглада бизнинг давримизда меҳнат қилмасдан, виждонан — ҳалол ишламасдан яшаш мумкин эмаслигини, партиямиз планлаштирган суръатларга эришиш мумкин эмаслигини энди ҳамма ҳис қилиши керак дер экан, минг бор ҳақлидир.

МЕҲНАТ — ҚУВОНЧ МАНБАИ

Ҳалол, ижодий меҳнат билангина кишининг омади келади, ҳалол, ижодий меҳнатгина шодлик мўл-кўлчилик манбаидир. Замонамизнинг ёрқин ҳужжати — КПСС Программасида даврмизнинг доно фалсафаси — ҳар ким жамиятга фойда етказиши керак, жамият унга фойда етказади, деган ғоя ифодалангандир.

Хоразмда ҳам кам ҳосил олаётган хўжаликлар борлигини юрагимиз ачишиб, минг афсус билан айтишга тўғри келади. Урганч районидаги «Партия XXII съезди», «Ленинград», «Победа» колхозлари шулар жумласига киради. «Маданият», Куйбишев номли, Навоий номли колхозларнинг даласидаги ғўзани кўрсангиз кўнглингиз тўлмайди-ю, лекин улар культивацияни тўхтатиб қўйибдилар. Нега шундоқ қилишди? Бу колхозларнинг раислари бандин бизнинг хабаримиз йўқ дейишса, уларнинг муовинлари, агрономлар ўз ақли-фаросатлари билан иш тутмабдилар. Колхозларда шундай нарса одат бўлиб қолганки, майда-чуйда ишларни қилиш учун ҳам юқоридан йўл-йўриқ кутишади. Бу ғалати одат.

Айрим қолоқ хўжаликлар илғорлардан ўрганишга ор қиладилар. Ахир, бу ерда ор қиладигани нима нарса бор? Ахир, Алишер Навоий «билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» деб бундан беш аср муқаддам айтиб қўйган-ку. Билсанг ўргатишинг, билмасанг сўраб ўрганишинг керак.

Кейинги вақтларда ҳар хил тусдаги кўзбўямачиларнинг, экин майдонини кам кўрсатиб, ўзимни яхши кўрсатаман дейдиган кишиларнинг таноби тортиб қўйилди, эндиликда бундай найрангбозлар кам қолди. Бундан кейин ҳам алдоқчиларнинг таноби тортавериш керак. Биз томорқаси билан ҳалол, ижодий меҳнатгина шодлик мўл-кўлчилик манбаидир. Замонамизнинг ёрқин ҳужжати — КПСС Программасида даврмизнинг доно фалсафаси — ҳар ким жамиятга фойда етказиши керак, жамият унга фойда етказади, деган ғоя ифодалангандир.

Хоразмда ҳам кам ҳосил олаётган хўжаликлар борлигини юрагимиз ачишиб, минг афсус билан айтишга тўғри келади. Урганч районидаги «Партия XXII съезди», «Ленинград», «Победа» колхозлари шулар жумласига киради. «Маданият», Куйбишев номли, Навоий номли колхозларнинг даласидаги ғўзани кўрсангиз кўнглингиз тўлмайди-ю, лекин улар культивацияни тўхтатиб қўйибдилар. Нега шундоқ қилишди? Бу колхозларнинг раислари бандин бизнинг хабаримиз йўқ дейишса, уларнинг муовинлари, агрономлар ўз ақли-фаросатлари билан иш тутмабдилар. Колхозларда шундай нарса одат бўлиб қолганки, майда-чуйда ишларни қилиш учун ҳам юқоридан йўл-йўриқ кутишади. Бу ғалати одат.

Айрим қолоқ хўжаликлар илғорлардан ўрганишга ор қиладилар. Ахир, бу ерда ор қиладигани нима нарса бор? Ахир, Алишер Навоий «билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» деб бундан беш аср муқаддам айтиб қўйган-ку. Билсанг ўргатишинг, билмасанг сўраб ўрганишинг керак.

Кейинги вақтларда ҳар хил тусдаги кўзбўямачиларнинг, экин майдонини кам кўрсатиб, ўзимни яхши кўрсатаман дейдиган кишиларнинг таноби тортиб қўйилди, эндиликда бундай найрангбозлар кам қолди. Бундан кейин ҳам алдоқчиларнинг таноби тортавериш керак. Биз томорқаси билан ҳалол, ижодий меҳнатгина шодлик мўл-кўлчилик манбаидир. Замонамизнинг ёрқин ҳужжати — КПСС Программасида даврмизнинг доно фалсафаси — ҳар ким жамиятга фойда етказиши керак, жамият унга фойда етказади, деган ғоя ифодалангандир.

Хоразмда ҳам кам ҳосил олаётган хўжаликлар борлигини юрагимиз ачишиб, минг афсус билан айтишга тўғри келади. Урганч районидаги «Партия XXII съезди», «Ленинград», «Победа» колхозлари шулар жумласига киради. «Маданият», Куйбишев номли, Навоий номли колхозларнинг даласидаги ғўзани кўрсангиз кўнглингиз тўлмайди-ю, лекин улар культивацияни тўхтатиб қўйибдилар. Нега шундоқ қилишди? Бу колхозларнинг раислари бандин бизнинг хабаримиз йўқ дейишса, уларнинг муовинлари, агрономлар ўз ақли-фаросатлари билан иш тутмабдилар. Колхозларда шундай нарса одат бўлиб қолганки, майда-чуйда ишларни қилиш учун ҳам юқоридан йўл-йўриқ кутишади. Бу ғалати одат.

Айрим қолоқ хўжаликлар илғорлардан ўрганишга ор қиладилар. Ахир, бу ерда ор қиладигани нима нарса бор? Ахир, Алишер Навоий «билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» деб бундан беш аср муқаддам айтиб қўйган-ку. Билсанг ўргатишинг, билмасанг сўраб ўрганишинг керак.

Кейинги вақтларда ҳар хил тусдаги кўзбўямачиларнинг, экин майдонини кам кўрсатиб, ўзимни яхши кўрсатаман дейдиган кишиларнинг таноби тортиб қўйилди, эндиликда бундай найрангбозлар кам қолди. Бундан кейин ҳам алдоқчиларнинг таноби тортавериш керак. Биз томорқаси билан

МАРДЛИГИНГНИ ПАХТА МАЙДОНИДА КЎРСАТ!

Юлғичлар ва бекорчи хўжалар, осон иш қидирадиган бегамлар орамизда ҳали ҳам учраб туради. Мана, масалан, Нариманов номли колхозда Қаландар Абдуллаев деган шахс бор. У кўпинча чайқовчилик қилади, бекор юриб гап сотади. Иш десангиз ўзини касалликка солиб, гоҳ оёғи, гоҳ қўли оғриб қолади. Ахир унинг оиласи бор, бу оилани керакли нарсалар билан таъминлаши керак-ку.

Ё бўлмаса, Исаполвон деган кишини олиб кўринг. У курашга тушса, — полвон, ҳеч кимнинг кучи етмайди. Шу полвон кучини пахта майдонида эмас, тўйлардагина кўрсатади, холос. Уни далага, пахта йиғим-теримига чиқаришдан кўра қийин иш йўқ. Ишга десангиз бу бекорчи хўжа «тобим қочди» дейди. Ишдан қочадиган, ошга тайёр бундай кишиларни полвон деб бўлмайди. Ҳақиқий марди-майдон бўлсанг ўзингни пахта майдонида кўрсат.

Орамизда ишёқмаслар ҳали бор. Бунақа одамлар ишнинг энг долзарб пайтида чойхонадан бери келмай, чойхўрликдан бўшамайди. Чойхонада қуруқ савлат тўкиб ўтириб тўкилган тер ҳаром тер. Пахта майдонида тўкилган тер ҳалол тердир.

Н. Г. Заглада колхозчиларнинг турмуши тўғрисида кўтарган масала ҳам муҳимдир. Баъзи жойларда ҳали ҳам кишилар тўғрисида меҳрибончлик қилинмайди-ю, ундан иш талаб этилади.

Биз ўзбекистонликлар ҳам фарзандларимизни жуда севамиз. Бизда кўп болалик оилалар кўпдир. Шундай оилаларда оналар болалари, уйлари билан банд бўлиб қолиб ишга чиқолмайдилар. Бунинг иложи бор: болалар боғча, яслиларини кўпроқ қуриш керак. Аммо бизнинг областимиздаги, шунингдек, бошқа областлардаги кўпгина колхозларда ҳам болалар боғча ва яслилари етишмайди. Узоққа бориб ўтирмай, Гурлан районидаги Навоий номли колхозни мисолга олайлик. Бу ерда болалар тарбиялаётган жой йўқлигидан аёллар уйда ўтириб қолиб, жамоат ишига қатнаша олмаётирлар. Бу — келишмаган иш, ўртоқлар!

Тағин икки оғиз гапимиз бор. Колхозчиларимиз ўз томорқа участкаларидан анча мева-чева ва сабзавот олишади. Лекин ана шу маҳсулотни сотиш йўлга қўйилганми, колхозчининг, ўзи от-арава билан бозорга тушиб мевасини сотадиган бўлса, бунга қанча қимматли вақт кетади. Тайёрлов органлари эса колхозчиларга ёрдам қилмаяптилар, сабзавот ва мевани харид қилиб олмаяптилар. Оқибатда мева ва сабзавотнинг анчаси ачиб-сасиб кетяпти. Бу масалани ҳам ҳал қилмаса бўлмайди.

Ўзбекистон — Советлар мамлакатининг пахта кони. Бизга пахта жуда ҳам керак. Бу йил республика 3 миллион 350 минг тонна пахта етказиб бериши зарур. Бу улуғ ишнинг муваффақиятли бажарилиши сиз-бизга, сиз-бизнинг меҳнатсеварлигимизга, чаққон ҳаракат қилишимизга боғлиқ. Энг қимматли техника экини бўлган пахтани кўпайтиришнинг резервлари ҳар бир хўжаликда бор. Виждонан, ҳалол, фидокорона меҳнат қилиш, севикли Ватанимизнинг тобора гуллаб-яшнаши учун илҳом билан ижодий меҳнат қилиш асосий резервдир.

Кўпчиликнинг гапига қараганда, бу йил Хоразм меҳнат аҳли ҳар қачонгидан яхши ҳосил етиштирди. Ғўзанинг ҳар бир тупида 15-16 талан кўсак тўпланди. Энди ҳамма гап йиғим-терим даврида меҳнатни моҳирлик билан ташкил этишда қолди. Хоразмликлар мамлакатга 300 минг тонна аъло пахта етказиб берадилар.

И. ДЎСОВ,
Янгиариқ районидаги Нариманов номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
С. ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.
Р. АБДУРАҲИМОВ,
Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

Механик-ҳайдовчиларнинг область кенгаши

Кеча Свердлов номли концерт залида Тошкент области колхоз ва совхозларидаги пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Пахтани машиналар билан териш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришнинг тадбирлари тўғрисида машҳур механизатор, Урта Осиё машина синаш станцияси комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Тюпко, 2-«Боёвут» совхози хўжалик ҳисоби бригадасининг бошлиғи Н. Бекиров, Бўка районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригадири С. Гулаҳмедова, «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг 5-бўлими бошқарувчиси М. Чачи, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси З. Содиқова ва 1-«Боёвут» совхозининг директори Қ. Рашидов ўртоқлар доклад қилдилар.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари механизаторларнинг республика съездига делегатлар сайладилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, А. Ҳайдаров ўртоқлар иштирок этдилар.

Совет-Куба ҳамкорлиги

Куба Бирлашган революцион ташкилотлари миллий раҳбарлигининг аъзолари саноат министри Эрнесто Гевара Серна ва Эмилио Арагонес Наварро 27 августдан 2 сентябргача СССРда бўлдилар. Уларни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев қабул қилди. Шу суҳбат вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган бир қанча халқаро масалалар юзасидан шунингдек СССР билан Куба ўртасидаги дўстона, қардошлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр олишилди.

Эрнесто Гевара Серна ва Эмилио Арагонес Наварро иқтисодий ва техника ҳамкорлиги масалалари юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин ва СССРнинг бошқа давлат арбоблари билан ҳам музокаралар олиб бордилар. Томонлар Совет Иттифоқининг ёрдами билан Кубада мавжуд темир рудаси запаслари базасида тўла металлургия цикли бўлган металлургия заводи қуриш тўғрисида бир битимга келдилар. Айни вақтда ишлаб турган учта металлургия заводини реконструкция қилиб, уларнинг йиллик умумий ишлаб чиқариш қувватини 110 минг тоннадан 350 минг тоннага етказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Куба вакиллари СССР да бўлган вақтларида аррессив империалистик доираларнинг Кубага таҳдид қилаётганликлари муносабати билан ҳам фикр олишилди. Куба ҳукумати ана шу таҳдидлар муносабати билан Совет Иттифоқига мурожаат қилиб кубалик ҳарбий хизматчиларни ўргатиш учун қурол-яроғ ва тегишли техник мутахассислари билан ёрдам кўрсатишни илтимос қилди. Совет ҳукумати бу илтимосга эътибор билан қаради ва бу масала юзасидан бир битимга келинди.

1 сентябрда Кремлда Совет Иттифоқининг Куба Республикасида металлургия заводларини куриш ва кенгайтиришда ёрдам бериши ҳақидаги ҳужжат имзоланди. (ТАСС).

КАСБИНГИЗ ШАРАФИНИ ҚАДРЛАНГ

Н. Г. ЗАГЛАДАНИНГ МАҚОЛАСИ КОЛХОЗ КОММУНИСТЛАРИ МУҲОКАМАСИДА

Житомир областидаги «1 Май» колхозининг 69 ёшли звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Надежда Григорьевна Загладанинг яқинда эълон қилинган «Ғаллакорлик шарафини қадрланг!» сарлавҳали мақоласи барча совет кишилари қатори пахтакорларимизнинг ҳам қалбида ўз касбига чуқур ифтихор уйғотади. Ҳозир бу мақолани ўқимаётган, ундаги фикрлар тўғрисида мулоҳаза юритмаётган кишини тополмайсиз. Дала шийпонларида, колхоз фермаларида, чойхоналардаги гурингларда, албатта ана шу аёл айтган гаплар такрорланаяпти,—ҳар ким ўз дилидагини айтаяпти.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг яқиндагина бўлиб ўтган очиқ йиғилиши ҳам ўртоқ Н. Г. Загладанинг мақоласини атрофлича муҳокама қилди, сўзга чиққанлар мақоладаги фикрлар ўз хўжаликларига ҳам тааллуқли эканлигини алоҳида қайд қилишди ва ўз пахтакорлик шарафларини яна бир бор ҳис этишди.

Биз қуйида ана шу йиғилиш ҳақида ҳикоя қиламиз.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Бу гал партия йиғилиши жуда жонли ўтди. Ҳар ким украиналик машҳур деҳқон Надежда Григорьевна Загладанинг «Ғаллакорлик шарафини қадрланг!» сарлавҳали мақоласи тўғрисида жиддий фикр юритмоқда. Ҳа, бу мақола пахтакорларимизга тааллуқли, унда ўзбек деҳқони кўнглидаги ўйлар бор. Шу сабабли сўзга чиққанлар тўлқинланиб гапиришди. Дилдаги фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Шуни айтиш керакки, Ленин номли колхоз райондаги йирик хўжаликлардан бири. Колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб, йил сайин пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Колхоз қишлоғининг қиёфаси ҳам тубдан ўзгаряпти. Шифохона, колхозчиларнинг минглаб фарзандлари коммунистик руҳда таълим олаётган 8 ва 11 йиллик мактаблар, типовой уйлар ва бошқа жамоат бинолари колхоз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Трактор паркида колхозчиларнинг қўл меҳнатини енгиллаштирувчи машиналар сафтортган. Хуллас, хўжалик қаддини ростлаб олган. Колхозчиларнинг турмуши жойида.

Ҳозир радио, телевизор бўлмаган ҳонадони камдан-кам учратасиз.

Бундай қараганда колхозда ҳамма иш жойидага ўхшаб кўринади. Лекин, партия йиғилишида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга ҳали талай камчиликлар рўй бераётгани очиб ташланди.

— Агар, — деди Н. Г. Загладанинг мақоласи тўғрисида гапирган колхоз раиси ўртоқ **Нишонали Авазов**, — ана шу «арзимаган» камчиликларга йўл қўйилмаса, колхоз белгиланган марралар сари янада тезроқ, дадилроқ боради. Афсуски, Надежда опа айтганидек, бизнинг колхозимизда ҳам ҳали меҳнатга, ўзига топширилган ишга виждонан, инсоф билан ёндошмайдиган кишилар учраб туради. Тўғри, улар жуда оз. Лекин, бор. Улар бизнинг олдинга силжишимизга маълум даражада тўсқинлик қиладилар.

Раис жуда тўғри гапларни айтди. У, айрим бригада бошлиқларининг бирор агротехника тадбирини амалга ошириш учун юқоридан буйруқ кутишлари, бу билан ишни кейинга тортишлари, ҳосилдорликни оширишга путур етказишлари тўғрисида гапирди.

— Сансалорлик, — деди раис, — инсофдан эмас. Афсуски, колхозимиздаги баъзи бригада бошлиқлари «Ўтган йилдан иш қолибдими?» қабилида иш қилишади. Натижада бажариладиган тадбир кечикади. Бундай кишилар халқимизнинг «Бугунги ишни эртага қўйма» деган оқилона нақлини унутиб қўядилар.

Виждонлилик, инсофлилик— инсон безаги. Қуш қаноти билан парвоз қилганидек, инсон ҳам ўз меҳнати билан ғалаба чўққилари сари интилади, муваффақиятларга эришади. Бу олижаноб фикрни баъзи бировлар тушунмайдиларми ёки тушунгилари келмайдими, ҳарҳолда нотўғри йўлга тушиб олишади. Безорилик қилишади, текинхўрлик билан турмуш кечиришга уринишади. Бундайларга ҳар бир колхозчи бешафқат бўлиши, киши — кишига дўст, биродар, ўртоқ деган принципга амал қилган ҳолда кўмаклашиши зарур.

Ўртоқ Н. Авазов сўзининг охирида хўжалик олдида турган катта вазифаларга тўхталди.

— Бу йил 10 минг тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилгаймиз, — деди нотиқ. — Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ҳар бир колхозчининг виждонига, инсофига боғлиқ. Далаларимизда ҳосил мўл. Агар уни нобуд қилмай йиғиб-териб олишга барча қурби етганича ҳиссасини қўшса, колхозимиз четдан ёрдам кутмай, ўз уддасидан ўзи чиқади.

ИНСОФ БОР ЕРДА — БАРАКА БОР

Колхозда Усмонали отани танимайдиган киши йўқ. Отани ҳамма ҳурмат қилади. Усмонали ота кўпчиликнинг шу олижаноб ҳурматига ўзининг ҳалол меҳнати, ишга меҳр-муҳаббати билан киришиши туфайли эришган.

Усмонали ота ҳозир пенсионер. У қарилик гаштини суриб ётибди, умри фароғат билан ўтаяпти. Дастурхони тўкин, хонадони обод. Лекин ота «мен пенсионерман» деб, уйда ётиб олгани йўқ. Уни колхоз правлениесида, сут-товар фермасида, пахтакорлар орасида тез-тез учратиш мумкин. У колхоз наваторлар кенгашининг аъзоси, чинакам маслаҳатгўй.

— Ғайратим қўймайди, — дейди **Усмонали ота Ғойибназаров** — суягим меҳнат билан қотган. Ота касбим — пахтакорлик. Пахтазор ораламасам-кўнглим ўрнига тушмайди. Кунига пайкалга чиқиб, уфқ билан ўпишган далаларни тамоша қиламан.

Кекса пахтакор шонли меҳнат йўлини босиб ўтган. Коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида ота партия ячейкасига секретарлик қилди. Шундан сўнг сурункасига 27 йил бригадир бўлиб ишлади. Ишга чин меҳр, инсоф билан ёндошиши натижасида унинг бригадаси йилига мўл ҳосил етиштирди.

Ана шундай меҳнатсевар кекса деҳқоннинг сўзини ўтирганлар зўр диққат билан тингладилар.

— Инсоф бор ерда — барака бўлади, — Усмонали ота, ҳикоясини ана шундай бошлади. — Мен Заглада билан тенгқурман. Бу аёлнинг гаплари қалбимда пахтакорлик касбимга ифтихорлик ҳиссини янада ошириб. Шундай, бирадарлар, пахтакор — улуғ ном. Пахтахиз билан устимиз бут, дастурхонимиз тўкин. Кимки пахтакор шарафини қадрламаса, у нонтепиклик, инсофсизлик қилган бўлади. У чинакам ҳосил учун юраги ачишмайдиганлар, бировнинг маслаҳатини эшитиб, кейин ўз билганидан қолмайдиганлар тўғрисида ачиниб гапирди.

— Боя раис, — деди сўзининг пировардида кекса пахтакор, — бу йил 10 минг тонна пахта сотамиз деди. Ҳақиқатан ҳам далаларимизда мўл ҳосил етиляпти. Қозонда бор. Эндиги гап ўзимизга боғлиқ. Агар ҳар бир киши инсоф билан, виждон билан ишласа, билган билмаганга ўргатса, колхозчилар ўртасида чинакам ҳамжиҳатлик бўлса — хирмонимиз баракали бўлади. Бу йил 10 минг эмас, 10-12 минг тонна «оқ олтин» топшириш имкониятимиз бор албатта.

Мен ўртоқ Н. Г. Загладанинг мақоласидаги фикрларга тўла қўшиламан.

Жойлардан овозлар: — Тўғри, биз ҳам қувватлаймиз.

Ишёқмасларга орамизда ўрин бўлмасин!

Мажлис раиси, колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Турғун Султонов колхоз раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари **Жонмирза ака Мўминовга** сўз берди.

— Мақолани эшитиб ўтириб, — дея гап бошлади раис ўринбосари, — ўртоқ Н. Г. Заглада худди бизнинг колхозимиз ҳаётидан ёзгандай ҳис қилдим.

Абдураҳмон Ҳакимов (колхоз бригадири): — Ҳақ гап.

Мақоладаги воқеалар бизда ҳам содир бўлиб туради.

Жонмирза ака: — Масалан, виждонсизлик тўғрисида икки оғиз гап. Колхозимиз аъзоларининг кўпчилиги ўз касбларини қадрлайдилар, у билан фахрланадилар. Аммо, айрим кишилар борки, уларнинг хатти-ҳаракати одамнинг таъбини хира қилади. Жумладан, Қудрат Ғофуровни олайлик. Ёши 30-35 дан ошган эмас. Лекин, ҳунари гирромлик. Колхоз манфаатидан кўра, ўз манфаатини устун кўради. Виждон ўрнига жиғилдон осиб олган. Буни қаранг, 3 ойдан бери колхозда қорасини кўрсатмайди. Ёки Бўри Эшматовни олайлик. У ҳам 1,5 ой бўлдики дала бетини кўргани йўқ. Комбайнчи Халил Холматов бўлса, бундан 20 кун муқаддам ишлаб турган агрегатини тўхтатиб, кетиб қолди. Ҳали қайтгани йўқ. Ахир буларнинг қилаётгани инсофсизлик эмасми?! Кўпчиликнинг нафратини келтирмайди дейсизми?! Ҳа, келтиради. Бундай дангаса, муғомбирларга бизда шафқат бўлмаслиги керак. Уларнинг хатосини кўзларига кўрсатишимиз, жамоатчилик кучи билан эгри йўлдан қайтаришимиз, тарбиялашимиз керак.

Деҳқон Олимбоев (далачилик мудири) — Тўғри, ўртоқлик судларида бундайларнинг адабини бериб қўйиш лозим. Бу— фойдали бўлади.

Шундан сўнг Жонмирза ака ўз вазифасида сидқидиллик билан меҳнат қилаётган кишилар тўғрисида мароқ билан сўзлади.

Жалил ота Юсупов ҳозир 63 ёшга борди. Аммо жонкуяр кекса ҳали ҳам колхоз фермасида қўлидан келганича ёрдам бериб турибди. Уни биров ишга чиқ деб зўрламайди ҳам, уйидан чақирмайди ҳам. Кекса бўлишига қарамай, фермага, ҳатто ёшлардан ҳам барвақт келади. Мол-бузоқларнинг остини тозалайди, охурларига хашак ташлайди. Шу фермада Тўла Ашуровни билмайдиган одам йўқ. У кейинги йилларда доҳир соғувчи сифатида шуҳрат қозоняпти. У, «соғувчилик аёл кишининг иши» деб, ўзини четга тортмади, дастлабки пайтларда рафикасига ёрдамлашиб юрди. Эндиликда у билан мусобақалашиб ишлаяпти. Шу кунгача Тўлабой ўз боқимидаги сигирлардан 30 тоннадан зиёд сут соғиб олди.

Жойлардан овозлар: — Бундайларнинг отасига раҳмат! Инсофни бор, соф виждонли кишилар улар.

Ўртоқ Ж. МЎМИНОВ.



Ўртоқ У. ҒОЙИБНАЗАРОВ.

ПАХТАКОРЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ



Ўртоқ Н. ЭШЕВ.

— Пигирма бир йилдан бери бригадирлик қиляпман, — **Нормирза ака Эшев** гапни ана шундай бошлади. — Колхозчиларимизнинг ҳар бири ишга жон қўйдириб, виждонан киришишади. Барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга оширамиз, йилига мўл ҳосил етиштираяпмиз. Ҳали план ёки мажбуриятимиз бажарилмай қолган бирор йилни эслайолмаймиз. Бунга биз ҳамжиҳат бўлиб, фидокорлик билан ишлашимиз туфайли эришаяпмиз.

Худди шундай. Нормирза ака бошлиқ бригадада ҳар бир агротехника тадбирини ернинг, ўсимликнинг талабига қараб амалга оширилади. Юқоридан буйруқ, топшириқ кутиб ўтирмайди. Лекин, оқилона маслаҳатларга пахтакорлар дарҳол қулоқ солишади, уларга тўла амал қилишади.

— Биз, — дея давом этди кекса бригадир, — Ёрдам қўлимизни чўзиб турамиз. Масалан, бу йил парвариш даврида қўшни бригадаларда 52 гектар ердаги ғўза қатор ораларига ишлов бердик.

Бригада аъзолари ўз хўжаликлари, район ва областнинг шуҳрати учун чинакам кураш олиб боришаётир. Улар бу йил 130 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнер ўрнига 44 центнердан хирмон кўтаришга ваъда беришган. Лафзи ҳалол пахтакорлар ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Негаки, ҳар туп ғўзадаги 14—15 тадан бўлиқ кўсак, гул ва шона мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.

Бригадир соф виждонли колхозчилар тўғрисида алоҳида тўхталди. Турсунбой Хўжанов шу бригадада 21 йилдан бери руль бурайди. Жуда уста механизатор. Чигит экишда ҳам, парвариш даврида ҳам, йиғим-терим пайтида ҳам унинг «пўлат оти» гуриллаб туради. Ишнинг сифати учун чинакам жон қуйдиради.

Оддий колхозчи Нишонжон Норматованинг беш фарзанди бор. Бироқ, бу аёл далада инсоф билан, виждон билан меҳнат қилади.

Эҳа, бундайлар бригадада жуда кўп. Ҳар бирининг номини алоҳида-алоҳида тилга олса арзийди. Шунинг учун ҳам бригадир очиқ партия йиғилишида улар тўғрисида фахр билан ҳикоя қилиб берди.

ИШНИ ҚЎЛ УЧИДА ЭМАС, ВИЖДОНАН БАЖАРИНГ

Минбарда колхознинг бош агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Комил Азимов**. У хўжаликдаги айрим камчиликлар, уларнинг юз бериш сабабларига батафсил тўхталди.

Айрим бригадаларда иш қўл учида бажарилади, — деди агроном, — бунинг натижасида ери бир-бирига туташ, бир ариқдан сув ичадиган икки бригадада икки хил манзарага дуч келасиз. Масалан, Ортиқ Муҳамедов ва Муҳитдин Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги аҳволни солиштириб кўрайлик. Муҳитдин ака соф-дил бригадирлардан. Ўз ишини биладиган, колхозчиларнинг чинакам ғамхўри. Шу сабабли унинг бригадасида мўл ҳосил етишаяпти. Ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик ҳам жойида. Аммо қўшни бригадада ундай эмас.

Агроном бунинг сабабини конкрет фактлар билан очиб ташлади. Маълум бўлишича, ўртоқ О. Муҳамедов ўз билганидан қолмайдиганлардан экан. Унга биров маслаҳат берса, қулоқ солар экану, уни амалга оширишда виждонсизлик қилар экан.

— Бу билан, — деди қуйиниб ўртоқ К. Азимов, — колхозимиз бўйича умумий юксалишга эришишимиз қийин-ку, ўртоқлар. Бригадада бир ишга астойдил киришилади-ю, иккинчиси қолиб кетади. Шунақанги иш тутилганлиги сабабли бу бригада қўшнисидагидан кам ҳосил тўплади.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам украиналик деҳқон Н. Г. Загладанинг мақоласида баён қилинган фикрларга тўла қўшилишди.

— Шундай меҳнат қилайликки — дейишди улар, — хўжалигимиз янада бадавлат, турмушимиз фаровон бўлсин. Пахтакорлик шаънимизга доғ тушмасин.

А. ИСКАНДАРОВ.
З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Саноат ва қурилиш ходимлари область кенгашидан

Область саноат ва қурилиш ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ А. Илюхин «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ходимларининг тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Партия XXII съездига тайёргарлик кўрилаётган вақтда, — дейди докладчи — «Совет маҳсулоти — жаҳонда энг сифатли маҳсулот бўлсин» деган шиор остида ажойиб ҳаракат бошланди. Москваликларнинг бу ташаббусини областимиз саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари коллективлари қизғин маъқуллардилар. Кўпчилик коллектив бу ҳаракатга қўшилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилашди.

Бунда ишчиларнинг завод ва фабрика маркаси шуҳрати учун курашига раҳбарлик қилган бошланғич партия ташкилотларининг хизмати каттадир. Истеъмолчилар «Таштекстильмаш», «Чирчиксельмаш» чинни заводлари, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг маҳсулотларига яхши баҳо бермоқдалар.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари маҳсулот сифатини яхшилаш учун коллектив бошлаган курашга раҳбарлик қилаётган, бу муҳим масалага катта эътибор берилаётган корхона ва қурилишларда тайёрланаётган буюмлар сифати муттасил яхши бўлмоқда.

Лекин шу билан бирга, дейди ўртоқ Илюхин, шундай корхоналар ҳам борки, улар тайёрлаётган маҳсулот сифати ҳозирги юксак талаблар даражасида эмас.

Масалан, трактор-йиғув заводида пахта териш машиналари учун тайёрланган ўзиюрар тележкалар текшириб кўрилганда 22 та камчилик аниқланди. Рамаларининг чоклари яхши пайванд қилинмаган, узеллари бир-бирига мустаҳкам бириктирилмаган. Корхонада «Т—28Х» тракторлари учун тайёрланаётган айрим деталлар белгиланган муддатдагига қараганда анча тез ишдан чиқмоқда. Шунингдек, пахта териш машиналари, аэрозоль мосламалари ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмларида ҳам камчиликлар бор.

Докладчи «Таштрансмаш» заводида тайёрланаётган маҳсулот сифатининг ёмонлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Корхона жуда кўп рекламациялар олади. Аммо завод раҳбарлари бундан зарур хулосалар чиқариб, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича амалий тадбирлар кўришмаётир. Улар сўздагина сифат учун курашишади, корхонада тартиб ўрнатиш ҳақида ваъда беришади. Амалда эса ҳеч нарса қилмайдилар.

Шундай раҳбар ходимлар ҳам борки, улар брак маҳсулотни яхши сортлар билан ўтказишга ҳаракат қилишади. Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 3-цехининг собиқ бошлиғи ўртоқ Левин сифатсиз маҳсулотларни техника контроли бўлими ходимларидан яшириб, тўғридан-тўғри омборга жўнатаберган, цех партия ташкилотининг собиқ секретари ўртоқ Кошкин эса бу қонунсиз ҳаракатни қўллаб келган. Бундай ходимлар ўзларига топшириб қўйилган ишга масъулият билан қарашни тамомила унутиб қўйишган.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш ва кун сайин ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Кенг истеъмол товарлари, уй-рўзғор ва маданий-маиший эҳтиёжлар учун ишлатиладиган буюмларнинг сифатли бўлишини таъминлаш хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Аммо бу масалада жуда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, ўтган йили сифат бўйича инспекторлар 198 мингта турли хил буюмларни текшириб кўришди, бу буюмларнинг ярмидан кўпида камчиликлар борлигини аниқлашди. Иш шунгача бориб етдики, 33 та корхонадан маҳсулот олиш вақтинча тўхтатиб қўйилди. Айниқса Янгийўл пойафзал фабрикаси, Тошкент даги чарм-галантерия фабрикаси, Тошкент кровать заводи ва бошқа корхоналарнинг маҳсулотлари жуда ҳам сифатсиз бўлмоқда.

Худди шундай камчиликлар бу йил ҳам давом этмоқда. Товарлар сифати бўйича давлат комиссияси 3-мебель фабрикасидан буюмлар олишни ман этиб қўйди. Маҳаллий саноат ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати жуда ҳам ёмон. Область озиқ-овқат ва гўшт саноати, Тошкент сут комбинати, макарон фабрикаси ва бошқа корхоналарда жуда катта камчиликлар содир бўлаётир.

Қурилиш сифатини яхшилаш партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Аммо ҳамма ерда ҳам шундай бўлмаётир. 159-қурилиш трести шу йилнинг биринчи ярмида бирорта ҳам уйни «аъло» баҳо билан топширгани йўқ, фойдаланишга берилган уй-жой майдонининг фақатгина 15 процента «яхши» баҳо билан қабул қилинди. Бошқа ташкилотлар қураётган иншоотларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилади, қурилиш технологиясига амал қилинмайди. Айниқса дурадгорлик ва пардозлаш ишлари пала-партиш қилинади.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда сўзга чиққан саноат ва қурилиш ходимлари сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, уйларни шинам қуришга, кенг истеъмол буюмлари сифатини яхшилашга халақит бераётган камчиликлар ҳақида гапиришди. Киров район партия комитетининг секретари А. Акромов, «Қизил тонг» фабрикасининг директори Ш. Аҳмадалиева, Ўзбекистон металлургия заводи техника контроли бўлимининг бошлиғи А. Сакиро, 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. Абдуҳамидов ва бошқа ўртоқлар топширилган ишга бепарво муносабатда бўлишга хотима бериш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари ишлаб чиқаришни планлаштириш, моддий-техника таъминотини яхшилашга катта эътибор бердилар. Бу соҳадаги камчиликлар саноат маҳсулоти ва қурилиш сифатини яхшилашга маълум даражада салбий таъсир кўрсатаётганлигини айтдилар.

Кенгашда республика Совнархози бошлиғининг ўринбосари М. Ш. Мирқосимов, Ўзбекистон Савдо министрининг ўринбосари, А. А. Матвеев, Ўзбекистон КП Марказий Комитети саноат бўлими мудирининг ўринбосари Б. С. Глинский ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. М. Муртазоев иштирок этди.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент область саноат корхоналари ва қурилиш ходимларига қарата мурожаат қабул қилиб, уларни маҳсулот сифатини яхшилаш учун тинмай кураш олиб боришга чақирдилар.

Ташкилотчи-инспектор қишлоқда—катта куч

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилганига деярлик ярим йил бўлди. Колхоз ва совхозларда бу давр ичида жуда кўп яхши ўзгаришлар рўй берди. Бунда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш, қишлоқ меҳнаткашларига ҳар тарафлама кўмаклашишга жалб этилган колхоз-совхоз ва совхоз-колхоз территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларининг жуда катта ҳиссаси бор. Улар янгичасига ишлай бошлаганларидан бери ўзларига бириктирилган участкалардаги ҳаётни пухта ўргандилар, тажриба тўпладилар ва қишлоқдаги ишларга ижобий таъсир кўрсатдилар.

Яқинда областимиздаги колхоз-совхоз ва совхоз-колхоз территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ташкилотчи-инспекторларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда ташкилотчи инспекторлар бир-бирлари билан тажриба алмашдилар, ютуқ ва камчиликлари тўғрисида гапириб бердилар, бундан кейин қишлоқдаги ишларни янада яхшироқ йўлга қўйиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Семинар қатнашчилари Чирчиқ территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг Калинин районидаги Ленин номли, Охунбобоев номли, «Коммунизм» ва «Октябрь» колхозлари бўйича ташкилотчи-инспектори ўртоқ Р. Усмонованинг ҳикоясини ғоят қизиқиб тингладилар. Ташкилотчи-инспектор Ленин номли колхоз билан биринчи бор танишиб чиққанидаёқ хўжаликнинг камчиликларини пайқаб олди. Колхоз бир неча йиллардан бери қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги жиҳатидан жуда паст кўрсаткичларга эришиб келган. Колхозчиларга меҳнат ҳақи тўлаш жуда қониқарсиз аҳволда бўлган.

Ўртоқ Усмонова колхоз раҳбарлари билан биргаликда қолоқликнинг сабабларини пухта ўрганди ва уларни бартараф этишга кўмаклашиш учун қизғин иш бошлади. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши чақирилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг имкониятлари ҳисоблаб чиқилди, ҳар бир далачилик бригадаси ва чорвачилик фермаси учун конкрет план тузилди. Колхозчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида иш хўжалик ҳисобида юритиладиган бўлди ва бригадалар ҳамда фермалар билан шартномалар тузилди.

Хўжаликни оёққа тургизишда ташкилотчи-инспектор яхши таъсирини кўрсатаётир. Мана энди унинг ҳаракатлари зое кетмаётганлиги яққол сезилмоқда. Бу йил колхозчилар ҳамма агротехника тадбирларини энг яхши муддатларда амалга оширишга муяссар бўлдилар. Ҳозир хўжаликда сабзавотдан белгиланган пландагидан ҳам юқори ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Ўртоқ Эгамбердиев бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан пландаги 12 тонна ўрнига 19 тоннадан картошка олдилар. Ўртоқ Самадов бошлиқ бригада эса карам сотиш бўйича берилган топшириқни бир ярим баравага етказиб адо этди. Колхоз бу йил ўтган йилдагига нисбатан икки ярим баравар кўп картошка етиштиради.

Илгари қолоқ бўлиб келган «Октябрь» колхозида ҳам ҳозир ишлар чакки эмас. Хўжаликларда ишнинг юришиб кетишида ташкилотчи инспектор —жонкуяр аёл Р. Усмонованинг хизмати жуда катта.

— Менга Янгиер районидаги 1, 2 ва 3-«Боёвут» совхозлари ҳарайди,— деди Янгиер территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкилотчи инспектори ўртоқ А. Носирхўжаев.— Дастлабки пайтларда мен кўп вақтимни 2-«Боёвут» совхозида ўтказдим. Чунки бу хўжалик қўшни хўжаликларга нисбатан қолоқ эди. Менинг қистовим билан хўжаликнинг раҳбарлари меҳнатга қобилиятли ҳар бир кишига тегишли жойни биркитиб берди. Натижада ғўза парвариши кун сайин яхшилана борди. Ҳозирги кунга келиб, пахта далаларида мўл ҳосил етишди.

Ўртоқ А. Носирхўжаев чорвачилик фермасидаги ишларни ҳам тартибга солишга ёрдам берди. Унинг талаби билан ўз ишига масъулиятсиз қараб келган зоотехник ишдан олиниб, унинг ўрнига ишнинг кўзини биладиган киши қўйилди. Фермада бошқа зарур тадбирлар ҳам амалга оширилди. Бунинг оқибати чакки бўлмаяпти. Давлатга жун сотиш плани ортиғи билан бажарилди. Гўшт, сут сотиш ҳам муваффақиятли давом этмоқда.

Ташкилотчи-инспектор совхоз ишчиларининг малакасини оширишда ҳам катта ишлар қилди. Бу жиҳатдан унинг 1-«Боёвут» совхозида олиб борган ишлари диққатга сазовордир. Ўртоқ Носирхўжаев ғўзани парвариш қилишда вақтдан ютиш ва пахтанинг таннархини камайтириш учун чигит экилаётган пайтда тупроқни ўғитлаш таклифини киритди. Унинг бу таклифи дастлаб ҳаммага ҳам маъқул тушмади. Лекин ташкилотчи-инспектор ўз таклифини амалга ошириб. Чигит экилаётган пайтда тупроқни ўғитлашни қандай ўтказиш юзасидан семинар ташкил этилди. Семинарда совхоз ишчилари экишнинг янги усулини пухта ўргандилар. Шундан сўнг хўжаликнинг деярлик ҳамма майдонларига чигит ташкилотчи-инспектор киритган такдиф бўйича ўғитланган тупроққа экилди.

Чирчиқ территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкилотчи-инспектори ўртоқ Мадалиев ўз сўзини бошқарма ходимларининг район ташкилотлари билан ҳамкорлигига бағишлади. Бу йил унинг оталиғидаги Оржоникидзе номли колхозда сув танқис бўлди. Сувни мўл-кўл қилиш учун канал қазиш зарур эди. Аммо колхоз буни ўз кучи билан қилолмас эди. «Канални экскаваторсиз қазиб бўлмайди»,— дейишди мутахассислар. Экскаваторни қаердан олиш керак? Шунда ўртоқ Мадалиев масалани район партия комитети олдига қўйди. Кўп ўтмай экскаватор ҳам келди, канал ҳам қазилди, сув ҳам мўл бўлди...

Семинар қатнашчилари ташкилотчи инспекторлардан Цой (Чирчиқ бошқармаси), Алиев, Ярашев (Сирдарё бошқармаси), Содиқов (Янгийўл бошқармаси) ўртоқларнинг сўзларини ҳам зўр қизиқиш билан тингладилар.

Семинарда фақат эришилган ютуқлар тўғрисидагина гап бўлмади. Ўз ишининг уддасидан чиқаолмаётган ташкилотчи-инспекторлар ҳам сўзга чиқишга таклиф этилди. Ҳамма уларни саволга тутди. Семинар қатнашчилари Чирчиқ территориал ишлаб чиқариш бошқармасининг ташкилотчи-инспекторларидан Б. Машрабов ва Когай ўртоқларни қаттиқ қизартиришди.

Семинарда область партия комитетининг секретари С. М. Веселов иштирок этди.

ОЧИҚ ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАРОРИДАН

1. Жамоат бойликларини орттириш йўлида курашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш — қишлоқ хўжалик артелимиз аъзоларининг энг олижаноб бурчи деб ҳисоблансин. Бунга бизнинг виждонимиз даъват этади. Йиғим-терим даврида ҳар бир колхозчининг ўрни далада — виждон буйруғимиз ана шундай бўлмоғи керак.

2. Жамоатчиликка фойдаси тегмайдиган, ишёқмас, пала-партиш иш кўрувчиларга, мутахамларга нисбатан шафқатсиз бўлиш, уларга қарши кескин кураш олиб бориш — доимий вазифамиз деб ҳисоблансин. Бунинг учун колхозда ўртоқлик судининг иши намунали йўлга қўйилсин.

Шу муносабат билан колхоз правлениесига дангасаларга, виждонсизларга тегишли чоралар кўриш, правление йиғилишида меҳнатни ташкил этиш масалаларини тез-тез муҳокама қилиб туриш, илғор, соф виждонли колхозчиларнинг меҳнат фаолиятларини ўрганиш вазифалари юклансин. Бундан буён колхозда, сенга иш топширилдими, уни виждонан бажар, охиригача етказ, бўлмаса жамоат олдида, ўз виждонинг олдида жавоб берасан деган шиорга қатъий амал қилинсин.

Биз рўй берадиган ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгамиз, пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз, деб партия ва ҳукуматимизни ишонтирамиз.



Суратларда: (чапдан) Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Исмат Алимов. У бу йил машина бункеридан хирмонга 185 тонна «оқ олтин» тўкишга сўз берган. Шу колхозининг бу йил мавсумда 200 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган моҳир механик-ҳайдовчиси ўртоқ Омонгельди Хожимуродов.

В. Сироткин фотолари.

МАШИНА ТЕРИМИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАМИЗ

Сирдарё районидаги „Ленинград“ колхозининг машина теримини ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирлари

«Ленинград» колхозининг аъзолари КПСС XXII съезди, партия Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорлари ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгашда берган кўрсатмаларини амалга ошира бориб, бу йил рўй берган табиат қийинчиликларини мардонавор енгдилар ва **ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил кўтаришга, давлатга 5500 тонна «оқ олтин» сотишга имкон берадиган ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.**

Колхоз пахтакорларининг олдида ҳозир йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли суратда ўтказишдек муҳим вазифа турибди. Пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай қисқа муддат ичида йиғиб-териб олиш, пахта теримига кетадиган меҳнат харажатларини камайтириш, далаларни ҳосилдан ўз вақтида бўшатиб, шудгорлашни барвақт тугаллаш — бизнинг шарафли бурчимиздир. Бу муҳим вазифаларни йиғим-терим ишларини кенг кўламда механизациялаш, машина теримини кўнгилдагидек ташкил қилиш йўли билан бажармоқчимиз.

«Ленинград» колхозида 1961 йили машиналар билан 1300 тонна пахта ёки пландаги ҳосилнинг 30 процента териб олинган эди. Йиғим-терим ишларининг механизациялаштирилиши туфайли колхозчиларнинг меҳнати енгиллашди, пахта терими жадаллашди, 61 кун ичида тайёрлов пунктига 5360 тонна «оқ олтин» элтиб берилди. 31 октябрда давлат плани бажарилди.

Йиғим-теримда колхознинг ҳамма «ХВС-1,2» ва «СХМ-48 М» пахта териш машиналаридан юқори унум билан фойдаланилди. Кўплаб механик-ҳайдовчилар машина терими техникасини пухта ўзлаштириб олдилар ва яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришдилар.

Бу йил пахта териш машиналаридан яна ҳам унумлироқ фойдаланамиз. Пахтани машиналар билан териб олишда механизациялаштирилган теримнинг поток технологияси марказий ўринни эгаллайди. Биз машина терими планига мувофиқ 1500 гектар майдондан 4500 тонна пахтани териб олмоқчимиз.

Далаларимизда 50 та пахта териш агрегати ишлайди. Пахтанинг қатор ораларига тўкилиб қолмаслиги учун кўчатни кўтариб, ростлаб кетадиган обтекателларнинг ҳолатига алоҳида эътибор берилади. Бу пахтаси машинада терилган майдонда кўл меҳнатини кескин даражада камайтиришга имкон беради.

Бригадаларга биркитилган ҳамма машиналар илгаридан белгиланган участкаларда ишлайди ва уларни мазкур бригаданинг механик-ҳайдовчилари бошқаришади. Ҳар бир «ХВС-1,2» машинасига иккитадан механик-ҳайдовчи биркитилган. Улар икки сменада ишлашади. Механик-ҳайдовчиларимизнинг малакасини оширишмақсадида беш кунлик семинар ташкил этдик. Агрегатлар ярим тунгача пахта теради, шунинг учун ҳамма машиналар электр чироқлари билан таъминланди.

Машина теримига ажратилган далалардаги ёввойи ўтларни битта қўймай юлиб олямиз. Агрегатлар қайтадиган майдончалар ҳозирданоқ текисланаяпти. Чуқурлар, ўқариқлар кўмилаётир. Пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ва автомашиналар учун картанинг четига борадиган йўллар текисланаётир.

Машина теримига ажратилган участкаларда ўзгаришлар шохлаб кетишига ва ёнбошлаб қолишига йўл қўйилмаётир. Бундай участкаларда жўяклар қатор ораларининг қоқ ўртасидан ва бир текис чуқурликда олинади.

Пахта териш машиналарининг яхши ишлаши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш мақсадида дефолиацияни ғўзанинг камида 75 процент барги тўкиладиган қилиб ўтказамиз.

Дефолиацияни колхознинг участкалари бўйича ғўзанинг ҳолатига қараб ўтказамиз. Шунга эришамизки, терим агрегатлари тўхтовсиз ишлаб туради.

Терим агрегатларининг ишини группалаб — 4-5 та машина бирданига ишлайдиган қилиб ташкил этамиз. Ҳар бир группадаги машиналарга пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган 4-6 тадан прицеп биркитилган. 2-3 та прицеп доимо карта четида пахтани қабул қилиб олишга тайёр туради. Ҳар бир агрегат белгиланган участкада ишлайди. Механик-ҳайдовчиларнинг зиммасига участкадаги пахтани тозалаб териб олиш ва қўшимча қўл меҳнати сарфлашга йўл қўймаслик вазифаси юклатилган.

Машиналарда терилган пахталарни фақат қоп-қанорсиз ташиймиз.

Белгиланган планга мувофиқ пахта теримини 44 ишчи кунида ўтказамиз. Кундалик машина терими 150 тоннани, қўл терими камида 50 тоннани, ҳаммаси бўлиб 200 тоннани ташкил этади. Давлатга ҳар куни топширган пахтамиз йиллик планнинг 4 процентини ташкил этади.

Биз албатта муваффақиятга эришамиз. Бунинг учун ҳар бир колхозчи ўзига топширилган вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилиши керак. Шундагина зиммамизга олган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилади. Колхозимизнинг ҳамма аъзолари, айниқса механизаторлари украиналик деҳқон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Г. Загладанинг мақоласида айтилган ажойиб фикрларни чин юракдан қувватламоқдалар. Улар пахтакорлик шарафини қадрлайдилар, самарали меҳнатлари билан умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Азамат механик-ҳайдовчиларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди. **Турғун Қорабоев 200 тонна, Абдулла Бураметов 190 тонна, Жўрабой Қувонов 180 тонна, Исмат Алимов 185 тонна, Тилла Холбоев 200 тонна, Маҳкам Юғурбеков 170 тонна, Тожибой Келдибеков 190 тонна пахта тераман деб сўз берди.**

Далада ишлаётганлар учун кўнгилдагидай маданий-маиший шароит яратиб берамиз. Иссиқ овқат ташкил этамиз. Болалар боғчалари ва яслилари ишини яхши йўлга қўямиз. Бу тадбирлар ҳамма теримчиларнинг, айниқса ёш болали аёлларнинг юқори унум билан меҳнат қилишига имконият туғдиради.

Биз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1962 йил 12 июлдаги «Шаҳарлардаги ишчи ва хизматчиларни колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалиқ ишларига жалб этиш ҳақида баъзи иттифоқчи республикаларнинг қилган илтимослари тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилдик ва етиштирилган ҳамма пахта ҳосилини ўз кучимиз билан йиғиб-териб олишга қарор қилдик.

Пахта йиғим-терими зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун олиб бориладиган курашнинг энг ҳал қилувчи давридир. Бу даврда механизаторлар зиммасига катта-катта масъулиятлар юкланади. Белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг муваффақияти энг биринчи навбатда уларга боғлиқ. Биз аминмизки, механизаторлар ва бошқа колхозчилар машина теримини намунали ўтказиш, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олиш, «оқ олтин» дурдоналарининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш йўлида ғайратларини сира аямай меҳнат қиладилар.

Қ. СИНДОРОВ — колхоз раиси, А. ТОЖИБОЕВ — партия ташкилотининг секретари, И. ТУИМЕБОЕВ — комсомол комитетининг секретари, С. ЛЕОНОВ — колхоз инженери, А. ҲАМРОЕВ, Ж. АБДУҚОДИРОВ — агрономлар, Т. ТУРКМЕНОВ, М. ҲАМИДОВ, И. БАТАЛОВ, — участка механиклари.

ТАШАББУС ЯХШИ-Ю...

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз шаҳар аҳолисига мўл-кўл сабзавот ва қовун-тарвуз етказиб бериш билан доғ тараттаган.

Колхозда бу йил 210 гектар ерга пахта экилган эди. Колхозчилар чигитни ўз вақтида ундириб олиб, парвариш ишларини қизитиб юбордилар. Август ойининг бошларида бу майдондаги ғўзалар 5 марта сувдан чиқарилиб, бир неча бор культивация қилинган эди. Ҳар туп ғўзада 7—8 тадан бўлиқ кўсак пайдо бўлди.

Лекин шу кунлардаги аҳволни кўрган киши анча ачинади. Ғўза парвариши тўхтатиб қўйилган. Йиғим-теримга ҳам тайёргарлик сust, анчагина майдондаги ғўзани ўт босиб кетган, хирмонлар, сушилкаларни тайёрлаш тўғрисида астойдил бош қотирмаётирлар.

Ёндай аҳвол билан узоққа бориб бўлмайди. Ҳар гектар ердан ўттиз икки центнердан пахта топшириш мажбурияти олинган. Шундай экан, ғўзани ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди. Ғўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш керак.

А. ШОМИРЗАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„ЙИҒЛОҚИ КУЁВ“

Оққўрғон районидаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчилари КПСС аъзолигига кандидат Аҳмаджон Тожиддинов ва партия аъзоси Раҳима Қосимованинг коммунистга хос бўлмаган ножўя ҳатти-ҳаракатлари, маиший бузуқликлари ҳақида газетамизнинг 15 июль сонида ноқоридаги сарлавҳа остида фельетон босилган эди.

Бу фельетон ҳақида редакцияга жуда кўп хатлар келди. Ана шу хатларда газетхонлар Тожиддинов ва унинг оиласини бузишга сабабчи бўлган Қосимоваларнинг қилмиши қаттиқ қораланган.

Оққўрғон район партия комитетидан редакцияга маълум қилиниши-ча фельетон бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган.

А. Тожиддинов КПСС аъзолигига кандидатликдан ўчирилган ва ўқитувчилик ишидан олиб ташланган, Р. Қосимовага қаттиқ партиявий жазо берилган.

Район партия комитетининг бюроси бошланғич партия ташкилотларининг қарорларини тасдиқлаган ва район ўқитувчилари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгилаган.

ХИЗМАТ ЯХШИЛАНДИ

Комсомол районидаги «Социализм» совхозининг 1-бўлимида яшовчи фельдшер У. Рустамов, санитарка У. Абдуллаевалар ўзлари обуна бўлган республика ва область газеталари ҳамда «Шарқ юлдузи», «Медицинский работник», «Фельдшер-акушерка», «Муштум» журналларини ўз вақтида ҳамма соҳаларини ололмаётганликлари тўғрисида шикоят қилиб редакцияга хат ёзган эдилар.

Текшириш учун юборилган хатга қуйидаги жавобни олдик:

«Абдуллаева ва Рустамов ўртоқларнинг шикоятлари юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Газета-журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш яхшиланди.

ПАНУСЯНЦ».

Тошкент область алоқа бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Космонавтлар ўз ҳамюртлари орасида

ГЖАТСК. (Смоленск области), 2 сентябрь. (ТАСС). Шаҳар аҳолиси ўзининг азиз ҳамюрти, биринчи бўлиб космосга йўл очиб берган Юрий Гагаринни самимий кутиб олди. Гагарин бир вақтлар ўзини ўқитган Гжатскдаги ўрта мактаб педагоглари билан учрашди. Бу учрашув жуда жонли ўтди.

Бугун Юрий Гагарин бу ерда апрель ойида ташкил этилган ёш космонавтлар мактаби қатнашчилари билан суҳбатлашди. Бу мактабга юқори синф ўқувчилари ёзилганлар. Болалар жисмоний тайёргарликка, математика, астрономия, физика ва радио машғулотларига кўп эътибор бермоқдалар. Улар авиация ўқув юртига кириш учун тайёрланмоқдалар.

Космос қаҳрамони ўқувчиларни илм-фан асосларини қунт билан ўрганишга чақирди.

* * *

Чувашистон халки 2 сентябрда ўзининг довюрак фарзанди космонавт учувчи Андриян Григорьевич Николаевни тантанали суратда кутиб олди.

Эрта тонгда космонавтни республика пойтахти аэропортида КПСС Чувашистон область комитетининг бюро аъзолари, Чувашистон АССР Олий Совети Президиумининг ва Министрлар Советининг раҳбарлари, ишчилар, колхозчилар, қувноқ болалар кутиб олишди. Уларнинг кўпчилиги рангбаранг миллий кийимлар кийган, ҳаммаёқ гулларга бурканган эди. (ТАСС).

* * *

УЗИН (Киев области), 2 сентябрь. (ТАСС). Бугун СССР космонавт-учувчиси подполковник Павел Попович ўз эли — Киев областидаги Узин шаҳрига келди. Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шчербицкий уни самимий табриклади.

Павел Поповичнинг келиши муносабати билан Узинда митинг бўлди.

Жалол Азизхонович АЗИЗХОНОВ

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, республиканинг кекса журналистларидан бири, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Жалол Азизхонович Азизхонов 1962 йил 2 сентябрда тўсатдан вафот этди.

Ж. А. Азизхонов 1909 йилда Қўқон шаҳрида аравакаш оиласида туғилди. 15 ёшиданоқ у меҳнат қилабошлади.

Ж. А. Азизхонов 1938 йилда профессионал журналист бўлиб етишди ва республика радиокомитетида, «Қизил Ўзбекистон» газета редакциясида ишлади. Ж. А. Азизхонов 1940 йилда Коммунистик партия сафига киради.

1941 йилнинг сентябридан бошлаб Ж. А. Азизхонов Улуғ Ватан урушида иштирок этади.

Ж. А. Азизхонов оғир ярадор бўлгач, 1944 йилда Тошкентга қайтади ва бу ерда Ўзбекистон телеграф агентлигининг масъул раҳбари, республика Давлат нашриётининг директори, Ўзбекистон Компартияси тарихи институтининг старший илмий ходими, ўқув-педагогика нашриётининг директори бўлиб ишлайди. Бир вақтнинг ўзида у ўқишни давом эттиради ва 1952 йилда педагогика институтини битириб чиқади.

Ж. А. Азизхонов 1960 йилдан бошлаб партия раҳбарлик ишида — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида сектор мудири. 1961 йилдан агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Ж. А. Азизхонов марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш устида кўп йиллар меҳнат қилди.

Партия қаергаю юбормасин, Ж. А. Азизхонов ўзининг бутун кучини, билими ва тажрибасини Ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга сарфлаб, виждонан ишлади.

Партия ва ҳукумат Ж. А. Азизхоновнинг хизматларини юксак баҳолади ва уни Қизил Юлдуз ордени, иккита «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлади.

Ж. А. Азизхоновни билган ҳамма кишиларнинг хотирасида у ғоявий чиниккан, сезгир ва камтар киши сифатида абадий сақланади.

Ш. Р. Рашидов, В. А. Карлов, Е. С. Насриддинова, Р. Қ. Қурбонов, З. Р. Раҳимбобоева, М. М. Мусахонов, А. Х. Ҳайдаров, С. О. Азимов, М. М. Раҳмонқулов, А. П. Қаюмов, Т. Х. Ҳасанов, Р. С. Сахибоев, З. И. Есенбоев, А. Д. Ивахненко, М. Ғ. Ваҳобов, С. М. Муҳамедов, А. И. Жуков, Г. И. Лебедев, Қ. Ғ. Ғуломова, Қ. Қ. Узоқов, У. Е. Иброҳимов, С. С. Черник, Ш. Н. Ниёзов, Т. С. Соатов, В. Ф. Архангельский, Р. К. Абдурахмонов, Ю. Ю. Юсупов, В. К. Валиев, Ф. Юнусов.

Ҳалқаро аҳвол

Эронда ер қимирлади

ТЕҲРОН, 2 сентябрь. (ТАСС). Кеча Эроннинг ғарбий қисмида қаттиқ ер қимирлади. Бу ҳақдаги дастлабки хабарларга кўра, кўп киши ўлган ва моддий жиҳатдан жиддий зарар етказилган. Бу Эронда бўлиб ўтган ҳамма ер қимирлашларидан энг кучлисидир. Ер қимирлашнинг эпицентри Теҳрондан 100 миля ғарбда бўлса керак. Биринчи хабарларда айтилишича, бу районда қишлоқлар вайрон бўлган ва кўп аҳоли вайрон бўлган уйлар остида қолган. Токистон ва Обигарм шаҳарлари катта зарар кўрган. Теҳроннинг ўзида баъзи бинолар бузилган.



Вьетнам Демократик Республикаси. Лам Тхода Совет Иттифоқининг ёрдами билан янги суперфосфат заводи ишга туширилди. Суратда: заводнинг умумий кўриниши.

Вна — ТАСС фотоси.

Ханойда байрам

ХАНОЙ, 2 сентябрь. (ТАСС). Ўзининг туғилган кунига 17 йил тўлишини нишонлаётган Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтининг кўчаларида байрам шодиёнаси. Вьетнам Демократик Республикаси пойтахтининг яшил либосига ҳар бир уйда ўрнатилган байроқлар, транспарантлар, шиорлар, рангба-ранг байроқчалар қўшилди.

Миллий байрам муносабати билан Ханойда катта ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойиши бўлди. Намойишчиларнинг чиройлиқ безатилган колонналари Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларининг социалистик қурилишда эришган катта муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи шиорлар ва транспарантларни кўтариб бордилар. Намойишчилар колоннаси олдида вьетнамлик инженерлар ва ишчиларнинг қўли билан яратилган биринчи трактор республикада социалистик индустриалштиришнинг муваффақиятли ривожланишини ифодаловчи символ сифатида ўтиб борди.

Текис саф тортиб борган физкультурачиларнинг колонналари намойишни тугаллайди. Улар трибуналар олдида ўзларининг спорт маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ханой кўчаларида оммавий халқ сайиллари давом этади. Янги ғалабалар қувончи Вьетнам Демократик Республикасидаги ҳар бир меҳнаткаш оилага келди.

Байрам муносабати билан, кеча Ханойда катта давлат қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин ҳамда республиканинг бошқа давлат ва партия арбоблари ҳозир бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН АФРИКАЛИК ДЎСТЛАРНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётган халқаро учрашувлар календарида янги саҳифа очилмоқда: 4 сентябрда бу ерда Африка мамлакатлари хотин-қизларининг халқаро семинари ўз ишини бошлайди. Семинар темаси. — «Хотин-қизлар маорифи масалалари»дир.

Ўзбекистон телеграф агентлиги мухбирининг илтимоси билан чет эллар билан дўстлик ва маданий алока республика жамияти президиумининг раиси Х. С. Шукурова бу халқаро учрашувни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бир неча саволларга жавоб берди.

Тошкентда ўтказилаётган халқаро семинар, — дейди Х. С. Шукурова катта ёшдаги кишилар маорифи юзасидан 1960 йилда Монреал (Канада)да бўлиб ўтган жаҳон конференциясининг тавсияларига ва ЮНЕСКОга аъзо бўлган давлатларнинг фаолиятида ЮНЕСКОнинг иштирок этиш программасига мувофиқ ЮНЕСКО ишлари бўйича СССР Комиссияси ва Совет хотин-қизлари Комитети томонидан чақирилмоқда.

Семинар кун тартибига қўйилган хотин-қизлар маорифи масаласи тараққиёт йўлидан бораётган Африка халқлари учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунларда Африка хотин-қизлари ўз мамлакатларининг экономика ва маданиятини ривожлантиришнинг умуммиллий проблемаларини ҳал этишда актив иштирок қилишга зўр иштиёқ билан интилмоқдалар. Лекин илмли бўлмай туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Африка қитъаси хотин-қизлари ўз кобилиятлари ва истедодларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун умумий таълим савияларини оширишни, касб ўрганишни истамоқдалар.

Тошкент семинарида Африкадаги турли мамлакатларнинг хотин-қизлари ўз мамлакатларида хотин-қизлар маорифи проблемасини қандай қилиб яхшироқ ва тезроқ ҳал этиш тўғрисида фикр алмашадилар, бу соҳада бошқа мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоки орттирган тажрибаларни ўрганадилар.

Семинар программасида Африканинг турли мамлакатларидан келган делегатлар, шунингдек Совет Иттифоки вакилларининг нутқ сўзлаши кўзда тутилган. СССРда хотин-қизлар маорифи тўғрисида доклад, Ўзбекистонда саводсизлик ва тугатиш тажрибаси тўғрисида қўшимча доклад, шунингдек Совет Иттифокида профессионал таълим тўғрисида, СССР да илгари ўз ёзувларига эга бўлмаган халкларнинг ёзуви проблемасининг ҳал қилиниши тажрибаси тўғрисида лекциялар тингланади.

Семинар машғулотлари Тошкентда бир ҳафта давом этади. Шундан сўнг семинар делегатлари группаларга бўлиниб, Тожикистонга, Туркманистонга, Киргизистонга сафар қиладилар. Сентябрнинг ўрталарида семинар қатнашчилари Москвада тўпланадилар, бу ерда якунловчи мажлис бўлади.

ТОШКЕНТДА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО СЕМИНАРИ ОЧИЛИШИ ОЛДИДАН

□ □ □

Тошкент жамоатчилиги халқаро семинар ўтказиладиган жой қилиб Тошкентнинг танланганлиги тўғрисидаги хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Бизнинг шаҳримиз мустақиллик ва тараққиёт йўлига кирган ёш давлатларнинг вакилларини неча марталаб кутиб олган эди. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг шу ерда бўлиб ўтган конференциясида ва бўлиб ўтган бошқа йирик халқаро учрашувларда ҳукм сурган қардошлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик вазиятини бутун дунёда Тошкент руҳи деб атамоқдалар. Тошкент шаҳар ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашлари бу халқаро учрашув бутун дунёда ҳамдўстлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида халқлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш ишига хизмат қилади деб ишонадилар.

Африка хотин-қизларини тўлқинлантираётган проблемалар Ўзбекистон меҳнаткашларига яқин ва тушунарлидир. Ўзбекистон ҳам Улуғ Октябрь революциясига қадар қолоқ ўлка эди. Совет ҳокимияти йилларида барча совет халқларининг кардошларча ёрдамига таяниб ўз экономикаси ва маданиятини юксалтиришда олга томон шаҳдам катта қадам ташлади. Республика жамоатчилиги бу учрашув самарали ўтиши учун семинарга бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёрдир.

Ўзбекистон хотин-қизлари, африкалик дугоналарини ўз турмушлари билан таништиришдан мамнун бўладилар. Улар африкалик меҳмонларга революцияга қадар ёппасига саводсизлик ҳукм сурган Ўзбекистонда ҳозир умумий таълим ва профессионал-техника мактабларининг, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг, илмий тадқиқот институтларининг кенг шохобчаси вужудга келтирилганлигини миллий кадрлардан жуда кўп мутахассислар етишиб чиққанлигини бажонидил ҳикоя қилиб берадилар. Маориф, мактаб, олий ўқув юртлари масалаларига раҳбарлик қиладиган мутахассисларимиз ва ташкилотларимизнинг эшиклари семинар қатнашчилари учун кенг очиб қўйилади. Улар Ўзбекистон хотин-қизлари билан учрашиб, республикамизда хотин-қизлар маорифи проблемаси амалий суратда қандай ҳал қилинаётганига, бу соҳада қандай натижалар қўлга киритилганига ишонч ҳосил қиладилар. Меҳмонлар Ўзбекистон хотин-қизлари ҳосил қилган билимларини халқ хўжалигининг барча соҳаларида муваффақиятли қўллаётганликларини кўра оладилар. Ўзбекистон билан танишиш Африка хотин-қизларига фойда келтирса, биз ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз.

Тошкентнинг жамоат ташкилотлари семинарга тайёргарлик кўриш юзасидан баъзибир ишларни қилдилар. Халқаро учрашув ўтказиш учун ажратилган бинога нутқларни семинар иш кўрадиган уч тилда: рус, инглиз, француз тилларида синхрон усулида эшиттириб туриш имконини берадиган махсус аппаратлар ўрнатилган. Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи фотовиставка уюштирилган.

Халқаро семинар ишида, дейди сўнгра Х. С. Шукурова, Африкадаги кўп мамлакатларнинг вакиллари қатнашадилар. Меҳмон сифатида семинарга Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозоғистон совет республикалари хотин-қизларининг вакиллари таклиф қилинган.

Тошкент Африка қитъаси вакилларини очиқ чеҳра билан кутиб олмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлари азиз меҳмонларга: «Хуш келибсиз, қадрли дугоналар!» демоқдалар. Семинар қатнашчиларини республиканинг барча меҳнаткашлари самимий табриклашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

«Таштрансмаш» заводи бир группа ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ташаббуси билан жамоатчилик асосида ишлайдиган яна бир янги бригада тузилди. Унга «Инженерлик фикри ва ишчи зеҳни» номи берилди. Бу бригадага 8 киши аъзо бўлиб кирди, улар орасида қолипловчилар, моделчилар, обрувчиклар ва қуюв цехининг бошқа касбдаги ишчилари бор. Бригадага ёш мутахассис металлург инженер ўртоқ З. Тимакова раҳбарлик қилмоқда. Бригада аъзолари корхона инженер-техник ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги технологияни жорий қилиш, материал ва хомашёларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган темалар устида ижодий изланиш олиб боришяпти.

Бригаданинг тузилганига ҳали бир ойча бўлгани йўқ. Лекин унинг аъзолари бирқанча амалий ишларни бажаришди. Масалан, қолипловчи ўртоқ Ю. Фадеев илғор иш усулларини қўлланишнинг ташаббускори бўлди. Бу ишлаб чиқарилаётган компрессор деталларининг сифатини яхшилаш, чидамлилигини ошириш ҳамда уларга ишлов беришни енгиллаштириш имконини бермоқда. Моделчи ўртоқ П. Прилипко моделларни такомиллаштириш бўйича катта ишлар қиляпти. Ҳозирги вақтда бригада бошлиғи ўртоқ З. Тимакованинг таклифи билан тепловоз запас қисмлари подшипниклар ва втулкаларни қиммат баҳо бронза ўрнига арзон қўрғошин қотишмасидан тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

А. ФИЛОНЕНКО,
«Таштрансмаш» заводи касаба союз комитетининг ранси.

ЯХШИ БАҲО БИЛАН

Қўйлиқ массивида жуда кўп янги уйлар қуриляпти. Кўп қаватли, ҳашаматли бундай бинолар бир даврлар шаҳар чеккаси ҳисобланган бу ернинг ҳусни-жамолини очиб юборяпти, кўркига кўрк қўшяпти. Бунга бошқалар қатори ўртоқ Азим Аҳмедов бошчилигидаги комплекс бригада коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшяпти.

5-қурилиш бошқармаси бинокорлари тажрибали бинокор Азим ака бошчилигидаги бу бригаданинг номини ҳурмат билан тилга олишади, уни коллективимизнинг машъали деб айтишади ғурур билан. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу пешқадам бригада аъзолари ишда ҳам, юриш-туришда ҳам ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар, бунёд этган кўп қаватли уйлар доимо яхши баҳолар билан қабул қилинади. Уларнинг иш кўрсаткичлари жуда юксак. Смена топшириқларини муддатдан 170—180 процентга етказиб бажаришади.

Ўз ҳунарини пухта эгаллаган бригаданинг айрим аъзолари янада баракали меҳнат қилишяпти. Сотиболди Султонов, Борис Мунасибов, Абдураҳим Аҳмедов, Владимир Бочков ўртоқлар сингари бинокорлар нормани 200 процентдан бажаришяпти.

Бригада аъзолари коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олиш учун кураш бошлашган. Уларнинг бу юксак номга сазовор бўлишларига ҳеч шубҳа йўқ, чунки шу кунлардаги унумли ва сифатли меҳнатлари ҳар бир кишини шундай хулосага олиб келади.

Х. ХАЙДАРОВ,
153-қурилиш трестининг бетончиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✦ Оржоникидзе. Дўрмон қишлоғида йўловчилар автобус кутадиган тўхташ жойида чиройли автопавильон қурилиб битказилди. Скамейкалар қўйилган, соясалқин ана шундай автопавильоклар Тошкент—Чирчиқ маршрутида қатновчи автобус йўлидаги ҳар бир қишлоқда қурилаётир.

Т. РЎЗИМАТОВ.

✦ Ўрта Чирчиқ. Райондаги 2-Қорасув қишлоғи йилдан-йилга обод бўлмоқда. Сўнгги икки йил ичида бу ерда хўжалик моллари ва озиқ-овқат магазинлари, ошхона ва чойхона, радио ва телевизорлар ремонт қиладиган устахона бинолари қурилиб ишга туширилди. Яқиндагина 350 ўринли ёзги клуб меҳнаткашлар ихтиёрига топширилди.

Т. ОРИПОВ.

✦ Тошкент. Шаҳарнинг Ўйғур кўчасида янги 112-озиқ-овқат магазини очилди. Магазиндан турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга ҳар куни янги сут ҳам сотиб олиш мумкин.

Ю. АХРОРОВ.

✦ Сирдарё. Районнинг Верхне-Волинск зонасидаги колхозларга юқори вольтли электр сими орқали Фарҳод ГЭСидан энергия келтирилди. Эндиликда районнинг Куйбишев номли, М. Горький номли, Карл Маркс номли, «Победа», «Қизил Октябрь» колхозлари Ильич нури билан таъминланади.

Т. СОЛИЕВ.



Пискент районидаги Керовчи қишлоқ Совети территориясида колхозлараро телефон алоқаси яхши йўлга қўйилган. Бу ердаги коммутаторда ўз касбини севувчи ғайратли кишилар ишлашади. Шулардан бири Холиса Сотиболдиевадир. Сиз суратда кўриб турган бу қиз яхши меҳнати билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаётир.

М. Шевелев фотоси.

Институт янги бинога кўчди

Тошкент алоқа электротехника институтининг студентларига янги ўқув йилида ажойиб совға тайёрланди. Улар учун беш қаватли янги ўқув корпуси қурилди. Янги корпусда ёруғ ва кенг аудиториялар, замонавий аппаратлар билан таъминланган лабораториялар, жуда кўп кафедра бинолари, ўқиш залларн бор. Корпуснинг спорт залида бир вақтнинг ўзида икки юз киши машқ қилиши мумкин.

ИУЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ВАГОНЛАР

Яқинда Тошкентга Калинин вагонсозлик заводида тайёрланган янги типдаги металл вагонлардан 15 таси келтирилди. Вагон ичида махсус установкалар бўлиб, у зарур даражадаги ҳароратни сақлайди. Ҳар бир вагондаги 68 тадан ўрин самолётлардаги каби юмшоқ ва қулайдир.

Йўловчилар учун қулай бўлган бундай янги ва яхши жиҳозланган вагонлар яқинда очиладиган Тошкент — Андижон маршрутида қатнайдиган бўлади.

А. КОМИССАРОВ.

ФУТБОЛ

„ОЛТИЛИК"ДА МУСТАҲКАМ

Ўтган якшанба куни «Пахтакор» ўз майдонида «Крилья Советов» (Куйбишев шаҳри) футболчиларини қабул қилди. Тошкентликлар ғарчи кичик ҳисоб (2:1) билан ғалаба қилган бўлсалар ҳам ўйинда «Пахтакор»нинг устунлиги катта эди. Меҳмонлар дастлабки ўн минут ичида шиддат билан ўйнадилар, холос. Кейин ташаббус батамом майдон эгалари қўлида бўлди. Лекин кўп ҳужумлар беҳуда кетди. Беляков, Раҳматуллаевлар қулай моментларни бой бериб қўйдилар.

Волга бўйи футболчилари дарвозасига киритилган иккала тўпни командининг янги марказий ҳужумчиси Малиновский урди. Тошкентнинг Армия спорт клуби коллективида тарбияланган, кейинчалик «Пахтакор»нинг дублерлар составида ўйнаган бу футболчи мазкур учрашувда команда раҳбарларининг ҳам, ишқибозларнинг ҳам ишончини оқлади.

«Пахтакор» бу ўйинда ғалаба қилиб, «олтилик»да мустаҳкамланиб қолган бўлса-да, тамошабинлар стадиондан афсусланиб чиқишди. Командамиз учун ўйиннинг сўнгги минути «хавфли» бўлиб қолаяпти. Пахтакорчилар Москвада «Торпедо»га сўнгги минутда бир «олтин» очкони берган эдилар. Тбилисида сўнгги ҳужумга бардош беролмадилар. Мана энди «Крилья Советов» ҳам «Пахтакор»нинг ана шундай «касалидан» фойдаланди. Учрашув тугашига саноқли секунд қолганида куйбишевликлар штраф тўпи уриш ҳуқуқини олиб, Тошкентдан қуруқ кетмадилар. Футболчиларимиз ўйин бошлангандан судьянинг финал хуштагигача бўшашувчиликка йўл қўймай, бепарволик қилмай ўйнасагина ишқибозлар хурсанд бўлади.

* * *

Шу куни мамлакатнинг яна тўрт шаҳрида СССР биринчилиги мусобақаси бўлди. Киев динамочилари «Қайрат» командасини 1:0 ҳисоби билан ютдилар. Москва торпедочилари билан Харьков футболчилари учрашуви ҳам шу ҳисоб билан автозаводчилар фойдасига ҳал бўлди. Ґескин кураш билан ўтган Тбилиси ва Москва динамочиларининг ўйини дуранг бўлди. Ҳисоб 1:1. Минскда маҳалдий «Беларусь» командаси билан «Динамо» (Ленинград) мусобақасида ҳам рақиблар биттадан очко олдилар. Ўйин 2:2 бўлиб тугади.

С. МУСАЕВ.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ШУНИНГ ЎЗИ КАТТА БАХТ

Дам олиш кунларининг бири. Қоқ ярим тун. Муҳсим ака эндигина кабинетга кирган эди, телефон жиринглаб қолди.

— Милиция старший лейтенанти Мусаев эшитади!. Навоий номли колхозда дейсизми? Ҳозир етиб бораман...

У эшикдан отилиб чиқиб кетди. Орадан бир соат чамаси вақт ўтгач район милиция бўлимига кўзи бежо бир йигитни олиб келди. Бу — Навоий номли колхоз меҳнаткашларига доим тинчлик бермай, безорилик қилиб юрган М. Қаноатов эди. Мана, бугун у ниҳоят қонли жиноятга қўл урибди: колхоз шофери М. Нишоновни тўсатдан отиб ўлдирибди.

Муҳсим ака қотилни милиция бўлимига тоширгач яна ўз постига жўнади...

Милиция ҳаёти ғоят сер ташвиш ва турли тасодифлар билан боғланган. Бу соҳада ишлаган киши довюрак, сезгир ва ишчан бўлиши керак.

Муҳсим Мусаев ана шундай кишилардан. У 27 йилдан буён ўз бурчини садоқат билан ўтаб келаётир. Бу давр ичида у жиноятчиликка қарши курашда тобланиб ўсди ва чиниқди. Берилган топшириқни аниқ ва вақтида бажариши билан ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди, халқ ҳурматига сазовор бўлди.

Уни 1956 йилда Калинин район Карл Маркс қишлоқ Совети бўйича участка вакили қилиб тайинлашди. Муҳсим ака ўз вазифасини бажаришда доим халқ ёрдамига таянади, жамоатчилик билан ҳамнафас бўлади. Шунинг учун ҳам ўз участкасида тезда тартиб ўрнатишга эришди.

Хайрли иша ҳамма ҳам бош қўшади. Жамиятимизни айрим текинхўрлардан тозалаш ҳам шарафли, кўпчилик учун фойдали иш. Мусаев партиянинг ана шу кўрсатмасини астойдил бажаришга киришди. Кўк-терак посёлкасида бир неча йиллардан буён меҳнатсиз турмуш кечираётган С. Исоқов ва М. Искандаровни кўпчилик ёрдами билан посёлкадан сургун қилдирди.

Кишиларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш энг яхши тарбия воситаларидан биридир. Участка вакили Мусаев ҳам ўз территориясида ана шу тарбиявий чорани қўллашга жиддий эътибор берди. О. Пўлатов, Қ. Пўлатов, А. Тиллаев ва М. Абдазизов каби бекорчилар фойдали меҳнатга тортилдилар.

Қинғир йўлга кириб қолиб участка вакилининг ёрдамида ҳаётда ўз ўрнини топиб олган П. Анорбоев ва Т. Мирзааҳмедовларнинг эндиги қувончини айтмайсизми! Улар Мусаевдан мангу миннатдор.

Халқ дружиначилари милициянинг энг яқин ёрдамчилари. Жамоат тартибини мустаҳкамлашда улар катта куч. Муҳсим ака ҳам ўз участкасида ана шундай катта кучни ташкил қилди. Унинг ташаббуси билан Навоий номли, «Собир Раҳимов», «Ленинизм» колхозларида, 7-ғишт заводи ва Кўк-терак посёлкасида 116 кишидан иборат кўнгилли халқ дружиналари тузилди. Ана шу осойишталик қўриқчилари жамоат тартибини муҳофаза қилишда тажрибали милиция ходими Муҳсим ака билан ҳамкорликда ишлашаётир.

Милиция старший лейтенанти М. Мусаевнинг хизматлари муносиб тақдирланган. У узоқ йиллик самарали меҳнатлари эвазига бир неча марта орден ва медаллар билан мукофотланган.

Қишлоқ Совети аҳолиси бу камтар, маслаҳатгўй ва ишчан милиция ходимини самимий ҳурмат қилишади, унга ишончлари баланд. Муҳсим акага эса шунинг ўзи катта бахт.

Т. ЖЎРАЕВ.

ЯНГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Тошкент области ёшлари учун профессионал техника билим юртлари системасида янгидан иккита қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юрти очилди.

Янги билим юртларидан бири Оржоникидзе районида. Бунда республикада биринчи марта сабзавот етиштирадиган хўжаликлар учун машинист — тракторчилар тайёрланади. Мазкур билим юртида 120 киши таълим олади. Улар сабзавот экинларини парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиб олишда ишлайдиган техника мутахассислари бўлиб етишадилар.

Пискентда иш бошлаган билим юрти эса тракторчилар, пахта териш машиналари ҳайдовчилари, чорвачилиқ фермалари механиклари тайёрлаб чиқаради. Билим юрти лабораториялар ва қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминланган. Амалий машғулотлар учун 100 гектарга яқин ер ажратилди. Янги ўқув йилида билим юрти 240 кишини ўз бағрига олди, келгуси ўқув йилида эса бу рақам 2 бараварга ошади.

М. СОДИҚОВА.

1812 ЙИЛГИ ВАТАН УРУШИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Эстония ССР. Валгас районидан бир ярим километр узоқликда Ингевеста қишлоғи жойлашган. Бу ерда 1812 йилги Ватан урушининг қаҳрамони генерал-фельдмаршал Михаил Богданович Барклай-де-Толли номи билан боғланган ёдгорликлардан бири — мавзолей бор. Бу ерда қўмондонинг ҳоки сақланмоқда.

Мавзолейда обелиск ўрнатилган. Унинг пьедесталида қўмондонинг оқ мармардан ясалган бюсти бор. Пьедесталнинг этагидаги бронза ястиқча устига маршаллик қилич, орденлар, жанговар шлем ва князь тожиси қўйилган. Бюстнинг ўнг томонида эса қуйи солинган жанговар байроқлар ва ҳарбий ўлжалар фонида уруш худоси Афина Палладанинг ҳайкали кўзга ташланади. Чап томонда эса Россия қайғусининг символи — аёл кишининг фигураси, мавзолей деворларида қўмондонинг жанговар йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи ёзувлар бор.

Суратда: Барклай-де-Толлининг Ингевестадаги мавзолейи ва мавзолейга ўрнатилган обелиск.

П. Кузнецов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Бородино жанги

Машҳур Бородино жанги халқимизнинг қаҳрамонона йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб кирган. Мамлакатимизнинг барча халқлари ана шу жангнинг 150 йиллигини зўр тантана билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

1812 йилнинг 12 (24) июнида 600 минг кишилик Наполеон армияси Россияга бостириб кирди. У кучли ва тажрибали душман эди. Наполеон армиясининг жангларда орттирган катта тажрибаси, яхши қуролланган ва ҳарбий билим ҳамда уруш олиб бориш тактикасини пухта биладиган, довюрак командирлари бор эди. Наполеон номи эса Европа ҳарбий театрида жуда катта ғалабаларни қўлга киритган француз армиясининг қўмондони сифатида шон-шуҳратларга қоплланган эди, у енгилмас деб юритиларди.

Европа мамлакатларини осонлик билан босиб олган Наполеон Россияни ҳам Франция мустамлакасига айлантирмоқчи, уни миллий мустақилликдан маҳрум қилмоқчи эди. Бу уруш Россиядаги жуда кўп табиий бойликларни эгаллаб олиш, унинг эвазига бойиш ниятида бўлган француз буржуазиясининг империалистик интилишлари натижасида вужудга келди. Уруш Франция томонидан адолатсиз уруш эди. Наполеон ва унинг ҳомийлари Россияга қилинган юришни жаҳонга ҳоким бўлиш йўлидаги катта қадам деб ҳисоблашган эди.

Бу уруш рус халқи, шунингдек Наполеон томонидан босиб олинган бошқа мамлакат халқлари учун эса озодлик, адолатли уруш эди. Шунинг учун ҳам Наполеоннинг Россияга бостириб кириши рус халқининг ватанпарварлик туйғуларини ошириб юборди. Ўз ватанини севган ва душманга нисбатан қаҳр-ғазаби тўлиб-тошган халқ оммаси она-Ватан — Россияни ҳимоя қилишга отланди.

Рус халқи тинчликсевар халқ. Унинг тинчлигини бузадиган ҳар қандай душманнинг шўри қуриди. Россия Франция билан урушишни хоҳламас эди, бироқ уруш бошланиб кетгач Россия уруш ёққан машъалани ўчирмоқчи бўлди. Шоҳ вакили Балашов 1812 йилнинг 30 июнида Наполеон билан учрашган вақтда француз императорининг дўқларига жавобан шундай деган эди: «Сиз хазрати олийлари менга ана шу нарса ҳақида гапиришга рухсат берар экансиз, олдиндан қатъиятлик билан шундай дейманки, сиз жаноб олийлари даҳшатли урушга дучор бўласиз! Бу уруш бутун миллат уруши, даҳшатли уруш бўлади. Рус солдати довюрак ва халқ ҳам ўз ватанини севади...» Наполеоннинг Москвага борадиган йўлларнинг қайси бири қисқа деб берган саволига Балашов заҳарҳандалик билан шундай дейди: «Карл XII Полтава орқали борган эди».

Аммо Наполеон бундай огоҳлантиришларни назарга олмади ва тезда халқ уруши байроғини баланд кўтарган рус халқининг қудратли кучини татиб кўрди. Наполеон Россияга бостириб кирар экан, рус армияси билан асосий жангни тезда бошлаш ва уни тормор келтиришни кўзда тутган эди. Аммо рус армияси Наполеоннинг бундай стратегик фикрини барбод этди. Урушнинг бошида сон жиҳатидан француз армиясига қараганда анча кам бўлган рус армияси урушга кирмасдан орқага чекинаверди. Ўша вақтда уч қисмдан иборат бўлган ва фронт бўйлаб 600 километрга тарқалган Барклай-де-Толли ва Багратион армиялари бирлашиш учун мамлакат орқасига чекинабошладилар ва Смоленскда бир-бирларига қўшилдилар.

Бородино жангидан олдин ҳам бир қанча шонли жанглар бўлиб ўтди. Красное қишлоғи остонасида Неверовский қўмондонлигидаги дивизия бир кун давомида французларнинг 45 та атакасини қайтариб, Наполеон аскарларининг олдинга силжишини тўхтатиб турди. Смоленск ҳам қаҳрамонларча ҳимоя қилинди. Рус аскарлари бу ва бошқа жангларда француз армиясини анча кучсизлантириб қўйдилар, ҳал қилувчи жангга ҳа деганда киришмай Наполеон планини барбод этдилар.

Смоленскдаги жангдан сўнг фельдмаршал М. Кутузов рус армиясига бош қўмондон этиб тайинланди. Кутузов ҳарбий тажрибага эга, армия ва жамиятда обрўси баланд, уруш олиб бориш стратегия ва тактикасини чуқур биладиган талантли ҳарбий қўмондон эди. У қўмондон бўлганидан сўнг қўллаган стратегик план — чекиниш вақтида душман тинкасини қуритиш, рус армиясини мустаҳкамлаш, сўнгра эса қарши ҳужумга ўтиб душманни тор-мор қилишдан иборат эди. У пайти келганда, душман билан асосий жанг қилишга қарор қилди, жанг майдони қилиб Москва яқинидаги Бородино қишлоғи танланди.

Позиция жуда тўғри танланган, кучлар нисбати эса рус армияси фойдасига ўзгарган эди. Бородинода русларнинг 120 минг жангчиси ва 640 та тўпи, Наполеоннинг эса 130 минг жангчиси ва 587 та тўпи бор эди. Бу ерда жуда ҳам даҳшатли жанг бўлди. Рус аскарлари душман атакаларини бирин-кетин даф этиб турди. Кечга томон даҳшатли жанг давом этди. Рус солдатлари худди шерлардек жанг қилдилар. Бородино майдони жасадлар билан тўлиб кетган эди. Ана шу жангда рус аскарларининг севикли офицерларидан бири Багратион қаттиқ ярадор бўлди ва кўп ўтмай вафот этди. Бородино жангида ҳаммаси бўлиб 100 минг киши ўлди ва ярадор бўлди, уларнинг 60 мингдан кўпроғини французлар ташкил этарди. Фридрих Энгельс ана шу жанг ҳақида гапираркан, уни Наполеоннинг барча кампаниялари ичида энг кўп қон тўкилган жанги деб атади. Наполеоннинг 47 та яхши генераллари шу жангда ўлди ёки ярадор бўлди. Французлар рус армиясини тор-мор келтира олмадилар. Бородино жанги рус халқининг душман устидан қозонган улуғ ғалабаси бўлди.

Бородинода рус армияси ғолиб чиқди. Аммо фельдмаршал Кутузов қайта ҳужумга ўтишга ҳали вақт борлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у Филида бўлиб ўтган машҳур кенгашда Москвани ташлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилади. У шундай деган эди: «Армия мавжуд экан ва у душманга қаршилик кўрсатиш ҳолатида экан биз урушни бехатар тамомлашимиз мумкин, агарда армия йўқ қилинса, Москва ва Россия яксон бўлади».

Турмуш Кутузовнинг бу ғаллари ниҳоятда тўғрилигини исбот этди. 2 сентябрда Наполеон Москвага кириб келди. У Европа шаҳарларидаги каби шаҳар калити билан тантанали суратда қарши олинмади, балки бўм-бўш шаҳарга кириб келди. Москвадаги омборлар рус армияси томонидан йўқ қилинган, озиқ-овқат деярлик йўқ эди. Партизанлар француз қурол-аслаҳалари ва озиқ-овқатлар ортилган араваларини босиб олардилар. Шаҳарда ёнғин бошланди. француз солдатлари талончилик қилабошлади. Француз армиясининг аҳволи тобора танг бўлабошлади. Бир ой давомида Наполеон 30 минг жангчисидан айрилди. У рус қўмондонлигидан сулҳ тузишни илтимос қилди. Аммо душманни она ердан батамом ҳайдаб чиқаришга қатъий бел боғлаган рус халқи, рус армияси қўмондонлиги буни рад этди.

Тарутин лагерида рус армияси куч тўпламоқда эди. Октябрь ойининг бошларига келиб рус армиясининг шахсий состави 240 минг кишига етди. Герасим Курин, Василиса Кожина, Ермолай Четвертаковларнинг партизан отрядлари, Д. Давидов, И. Дорохов, А. Сеславин, А. Фигнер ва рус халқининг бошқа қўрқмас ўғлонлари бошчилигидаги ҳарбий-партизан қисмлари душман билан жангларда шон-шуҳрат қозондилар. Рус армияси партизанларнинг сиқиғи остида Наполеоннинг улуғ армияси бузилабошлади. Французлар Россиядан қочабошладилар. Наполеон чегарага етиб борганда унинг армияси деярлик йўқ бўлган эди.

Рус халқининг Ватан урушида қўлга киритган ғалабаси Европадаги бошқа халқларнинг ҳам Наполеонга қарши курашга отлантирди. Рус армияси 1914 йилнинг март ойида Парижга кириб борди.

Наполеон армияси қаттиқ совуқлар ёки Россиянинг кенглиги туфайли ҳалок бўлмади. Балки улуғ рус халқининг довюраклиги ва қатъийлиги, унинг она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, чет эл босқинчиларига нисбатан қаҳр-ғазаби, адолатли, озодлик урушида ғалабага эришиш учун бўлган иродаси натижасида Наполеон армиясини тор-мор келтирилди.

Қаҳрамон халқимизнинг Бородино майдонида олиб борган жангига 150 йил тўлаётир. Ана шу ўтган давр ичида ер юзида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Рус халқи мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан биргаликда ленинча Коммунистик партия раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революциясини рўёбга чиқарди ва социализм қурди. Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги мустаҳкамланди ва тобланди. Бу дўстлик Россия учун биргаликда олиб борилган жангларда тўкилган қон билан мустаҳкамланган.

Совет Иттифоқи халқлари Улуғ Ватан урушида ўтмишдаги қаҳрамонлик традицияларини ривожлантириб ва бойитиб, гитлерчи агрессорларга қатъий зарба бердилар, жаҳоншумул-тарихий ғалабага эришдилар ва бу билан бутун жаҳонни фашист жаллодлари асоратидан сақлаб қолдилар.

С. СУЛТОНОВ,
юридик фанлари кандидати.
Р. АРЕНБЕРГ,
тарих фанлари кандидати.

110 ЁШЛИК АЁЛ

Чиноз районидаги «Москва» колхозида яшовчи Пирасковья Гавриловна Булатова 110 ёшга кирди. Давлатдан нафақа олиб турадиган бу пенсионер аёл ҳали тетик, уй-рўзғор ишларини бажариб туради. Аёлнинг катта ўғли ҳам пенсионер. Кичик ўғли бульдозер ҳайдайди. Ўртоқ П. Булатова болалари, невара-чеваралари билан фаровон турмуш кечирмоқда.

Н. МИРШАРИПОВ.

Об-ҳаво маълумоти

Бугун кундузи Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида ҳаво бироз булутлиниб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 16—18, областда 15—20, кундузи Тошкентда 34—36, областда эса 32—37 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБ-ҲАВО БЮРОСИ.

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ.

ТЕЛЕВИЗОР

4 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА:

Рус ва ўзбек тилларида: 18.30 — Телевизион янгиликлар.

Рус тилида: 19.00 — Челябинск телевидение студиясидан.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — Бахтли болалик. 19.30 — Яшаш учун туғилганлар номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 4/IX да Дилором. СССР халқ артисти Саодат Қобилова, СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Галия Измайлова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Карим Зокиров, Саттор Ярашевлар қатнашади. Дирижёр—СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати М. Ашрафий. «2/IX» штампали билетлар ярайди. 5/IX да Риголетто.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Салоники ватанпарварлари — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Етти шамолда — «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Шамол тегирмони — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 4 да).

Қўлга тушмас Ян — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ўғирланган бомба —«ВАТАН», НАВОИЙ номли.

Қўлга тушмас Ян — «УДАРНИК».

Яцек ва унинг президенти — «ШУҲРАТ».

Салоники ватанпарварлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Етти шамолда — КАФАНОВ номли. «ПОБЕДА». «ШАРҚ».

Шундай севги — ТЕЛЬМАН номли.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газета редакциялари кекса журналист ва нашриёт ходими, Ўзбекистон КП Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари

Жалол Азизхонович
АЗИЗХОНОВНИНГ

бевакт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
(«Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари—25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият саноат ва транспорт бўлимлари —33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142 Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси
Р 02287. Нашр, Г. 1672.